1. $S : x^2 + y^2 - 3z^2 + xy = -2z, M_0(1;0;1)$.
 2. $z = \sin \sqrt{xy}$.
 3. $x \frac{\partial u}{\partial x} + y \frac{\partial u}{\partial y} = 0, u = \operatorname{arctg} \frac{x}{y}$.
 4. $z = xy(6-x-y)$.
 5. $z = x^2 + 2xy - y^2 - 4x, D : x=3, y=0, y=x+1$.

20-вариант

1. $S : 2x^2 - y^2 + z^2 - 6x + 2y + 6 = 0, M_0(1;-1;1)$.
 2. $z = \cos(3x^2 - y^3)$.
 3. $\frac{\partial u}{\partial x} \cdot \frac{\partial^2 u}{\partial x \partial y} - \frac{\partial u}{\partial y} \cdot \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = 0, u = \ln(x + e^{-y})$.
 4. $z = x^2 + y^2 - xy + x + y$.
 5. $z = 6xy - 9x^2 - 9y^2 + 4x + 4y, D : x=0, y=0, x=1, y=2$.

21-вариант

1. $S : x^2 + y^2 - z^2 + 6xy - z = 8, M_0(1;1;0)$.
 2. $z = \operatorname{arctg}(3x+2y)$.
 3. $x \frac{\partial u}{\partial x} + y \frac{\partial u}{\partial y} = 0, u = \arcsin \frac{x}{x+y}$.
 4. $z = x^2 + xy + y^2 - 2x - y$.
 5. $z = x^2 + 2xy - y^2 - 2x + 2y, D : y=x+2, y=0, x=2$.

22-вариант

1. $S : z = 2x^2 - 3y^2 + 4x - 2y + 10, M_0(-1;1;3)$.
 2. $z = \ln(5x^2 - 3y^4)$.

3. $\frac{1}{x} \cdot \frac{\partial u}{\partial x} + \frac{1}{y} \cdot \frac{\partial u}{\partial y} = \frac{u}{y^2}, u = \frac{y}{(x^2 - y^2)^3}$.

4. $z = (x-1)^2 - 2y^2$.
 5. $z = 4 - 2x^2 - y^2, D : y=0, y=\sqrt{1-x^2}$.

23-вариант

1. $S : z = x^2 + y^2 - 4xy + 3x - 15, M_0(-1;3;4)$.
 2. $z = \operatorname{arctg}(x-4y)$.
 3. $\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial u}{\partial y} = \frac{x+y}{x-y}, u = \frac{x^2+y^2}{x-y}$.
 4. $z = xy - 3x^2 - 2y^2$.
 5. $z = 5x^2 - 3xy + y^2 + 4, D : x=-1, x=1, y=-1, y=1$.

24-вариант

1. $S : z = x^2 + 2y^2 + 4xy - 5y - 10, M_0(-7;1;8)$.
 2. $z = \ln(3xy - 4)$.
 3. $\frac{\partial u}{\partial x} + \frac{\partial u}{\partial y} = \frac{2y}{u}, u = \sqrt{2xy + y^3}$.
 4. $z = x^2 + 3(y+2)^2$.
 5. $z = x^2 + 2xy + 4x - y^2, D : x+y+2=0, x=0, y=0$.

25-вариант

1. $S : z = 2x^2 - 3y^2 + xy + 3x + 1, M_0(1;-1;2)$.
 2. $z = \operatorname{tg}(xy^2)$.
 3. $\frac{\partial^2 u}{\partial x^2} - \frac{\partial^2 u}{\partial y^2} = 0, u = \ln(x^2 - y^2)$.
 4. $z = 2(x+y) - x^2 - y^2$.
 5. $z = 2x^2y - x^3y - x^2y^2, D : x=0, y=0, x+y=6$.

VII бөлүк ОДДИЙ ДИФФЕРЕНЦИАЛ ТЕНГЛАМАЛАР

1-§. Асосий түшүнчалар.

Биринчи тартибли дифференциал тенгламалар.
Изоклини усули

Дифференциал тенглама деб эркли x ўзгарувчи, у номаълум функция ва унинг турли тартибли ҳосилалари ёки дифференциалларини боғловчи тенгламага айтилади.

Дифференциал тенгламанинг тартиби деб унга ки-
рувчи юқори ҳосилаларининг (ёки дифференциалларининг) тар-
тибига айтилади.

Агар номаълум функция бир аргументли функциядан иборат бўлса, бундай дифференциал тенглама оддий диф-
ференциал тенглама дейилади.

Агар номаълум функция бир нечта аргументга боғлиқ бўлган функциядан иборат бўлса, бундай дифференциал тен-
глама хусусий ҳосилали дифференциал тенглама дейилади.

Масалан, $2xy' - 3y + x = 0$ (бунда $y = y(x)$) тенглама
биринчи тартибли оддий дифференциал тенглама,
 $u'_x + u'_y - xy + 2 = 0$ (бунда $u = u(x,y)$) тенглама биринчи тар-
тибли хусусий ҳосилали дифференциал тенгламадир.

Бу бобда фақат оддий дифференциал тенгламаларни қараймиз, шу сабабли қисқалик учун "оддий" сўзини иш-
латмаймиз.

Умумий ҳолда n -тартибли дифференциал тенгламани
куйидаги қўринишда ёзиш мумкин:

$$\Phi(x, y, y', y'', \dots, y^{(n-1)}, y^n) = 0. \quad (7.1)$$

Агар (7.1) тенгламани энг юқори тартибли ҳосилага нисбатан ечиликан:

$$y^n = f(x, y, y', \dots, y^{(n-1)}) \quad (7.2)$$

қўринишда ёзиш мумкин бўлса, бундай тенглама нормал
қўринишдаги n -тартибли дифференциал тенглама дейилади.

Дифференциал тенгламанинг ечимини топиш жараё-
ни тенгламани интеграллаш дейилади.

(7.1) (ёки (7.2)) дифференциал тенгламани қаноатлан-
тирадиган, яъни уни айниятга айлантирадиган ҳар қан-

дай $y = y(x)$ функция дифференциал тенгламанинг ечими
(ёки интегралы) дейилади.

1-мисол. Сон ўқининг ҳамма нуқталарида аниқ-
ланган $y = xe^{2x}$ функция $y'' - 4y' + 4y = 0$ дифференциал
тенгламанинг ечими бўлишини исбот қилинг.

Ечиш. Берилган функциянинг биринчи ва иккинчи
тартибли ҳосилаларини топамиш:

$$y' = e^{2x}(1+2x), \quad y'' = 4e^{2x}(1+x).$$

Берилган функция ва унинг ҳосилаларини тенгламага
кўйсак, кўйидаги айниятга эга бўламиш:

$$4e^{2x}(1+x) - 4e^{2x}(1+2x) + 4xe^{2x} = 4e^{2x}(1+x-1-2x+x) = 0.$$

Демак, $y = xe^{2x}$ функция берилган тенгламанинг ечи-
ми экан.

2-мисол. $F(x, y) = \ln \frac{y}{x} - 5 + xy = 0$ ошкормас кўри-
нишда берилган функциянинг $(x + xy^2)y' = y + xy^2$ диф-
ференциал тенгламанинг ечими бўлишини исбот қилинг.

Ечиш. $F(x, y) = 0$ -ошкормас функцияни дифферен-
циаллаш қойдаси, яъни (6.6) формулага кўра

$$y' = \frac{F_x}{F_y} = -\frac{\left(\frac{y}{x}\right)' - 1}{x + \frac{1}{y}} = \frac{y \cdot \frac{1}{x} - 1 - xy}{x + xy^2} = \frac{y - xy^2}{x + x^2y}$$

ни ҳосил қиласиз. Топилган ҳосилани берилган диффе-
ренциал тенгламага кўйсак, айниятга эга бўламиш.

(7.1) (ёки (7.2)) дифференциал тенглама ечимининг (ёки
интегралининг) Оху текислигидаги графики интеграл эрги
чизик дейилади. Демак, ҳар бир ечимга ёки интегралга унга
мос битта интеграл эрги чизик тўғри келади.

(7.2) дифференциал тенглама ечимининг мавжудлиги
ва ягоналиги ҳақидаги масала қуйидаги теорема ёрдами-
да ҳал қилинади.

1-теорема (Коши теоремаси). Агар (7.2) тенглама-
нинг ўнг қисми

$$x_0, y_0, y_0', \dots, y_0^{(n-1)} \quad (7.3)$$

қиймат атрофида узлуксиз функция бўлса, у ҳолда $(a; b)$
интервалда ётувчи x_0 учун у функция ва унинг ҳосилалари

$$y(x_0) = y_0, y'(x_0) = y'_0, \dots, y^{(n-1)}(x_0) = y_0^{(n-1)} \quad (7.4)$$

қийматлар қабул қилса, (7.2) тенглама $y = y(x)$ хусусий ечимга эзә бўлади.

Агар олинган атрофда бу функцияниң аргументларга нисбатан хусусий ҳосилалари узлуксиз бўлса, ечим ягона бўлади (Коши масаласи). (7.4) тенгликлар бошлангич шартлар дейилади.

Ихтиёрий (7.2) дифференциал тенглама Коши теоремасини қаноатлантирувчи соҳада чексиз кўп ечимга эзга бўлади. Бу ечимлар тўпламини таърифлаш учун умумий ечим тушунчасини киритамиз. (7.1) ёки (7.2) дифференциал тенгламанинг умумий ечими (умумий интеграл) деб $y = \phi(x, C_1, C_2, \dots, C_n)$ ёки қисқача $y = \phi(x, C_i)$ кўринишдаги функцияга айтилади, бунда $C_i (i=1, n)$ ихтиёрий ўзгармас бўлиб, улар қўйидаги иккита шартни қаноатлантириши керак:

1) C_i ихтиёрий қийматларида (7.1) ёки (7.2) дифференциал тенглама ечимга эга;

2) $x_0, y_0, y_0', \dots, y_0^{(n-1)}$ ихтиёрий бошлангич қийматлар учун $C_i = C_n$ ўзгармасининг қийматлари

$$\phi(x_0, C_{10}) = y_0, \phi'(x_0, C_{10}) = y_0', \dots, \phi^{(n-1)}(x_0, C_{10}) = y_0^{(n-1)}$$

бошлангич шартни қаноатлантиради.

C_n ларга маълум қийматлар беруб ҳосил қилинадиган ҳар бир ечим (7.2) тенгламанинг хусусий ечими дейилади.

Дифференциал тенгламанинг умумий ечимидан бошқа, ихтиёрий ўзгармасининг ҳеч қандай қийматида ҳосил бўлмайдиган ечими (интеграл) мавжуд бўлиши мумкин. Бундай ечим (интеграл) маҳсус ечим дейилади. Маҳсус ечимнинг ихтиёрий нуқтасида Коши теоремасининг бирор шарти бузилади. Масалан, $y'' = 3\sqrt[3]{(y'-1)^2}$ дифференциал тенгламанинг умумий ечими

$$y = x + \frac{1}{4}(x + C_1)^4 + C_2$$

дан иборат, бунда C_1, C_2 — ихтиёрий ўзгармас. $y = x + C$ (бунда C — ихтиёрий ўзгармас) функция ҳам берилган тенгламани ечими. Лекин бу ечим умумий ечимдаги C_1 ва C_2 ўзгармасларнинг бирор қийматларида ҳосил бўлмайди. Бун-

дан ташқари $y = 1$ да ечимнинг ихтиёрий нуқтасида ечимнинг ягоналиги ҳақидаги Коши теоремасининг шарти бузилади ёки берилган тенгламанинг ўнг қисмida y' хусусий ҳосила $y' = 1$ да узлукли. Шунинг учун $y = x + C$ маҳсус ечим бўлади.

Аниқмас интеграллар назариясида кўрилган барча интеграллар энг содда $y' = f(x)$ дифференциал тенгламанинг умумий ечими эканлигини таъкидлаб ўтамиз:

$$y = \int f(x)dx = F(x) + C,$$

бунда $F(x) = f(x)$ функцияниң бошлангич функцияси, яъни $F'(x) = f(x)$; C — ихтиёрий ўзгармас сон.

Умумий ҳолда биринчи тартибли дифференциал тенглама қўйидаги кўринишда ёзилади:

$$F(x, y, y') = 0 \quad (7.5)$$

ёки

$$y' = f(x, y). \quad (7.6)$$

(7.5) ёки (7.6) тенгламалар учун қўйидаги теоремани исботсиз келтирамиз.

2 - төрима (Коши). Агар $f(x, y)$ функция $M_f(x_0, y_0)$ нуқта ва унинг атрофидаги ўзлуксиз бўлса, у ҳолда (7.6) тенглама $y(x_0) = y_0$ бошлангич шартни қаноатлантирувчи $y = \phi(x)$ ечимга эга бўлади. Агар берилган функцияниң $\frac{df}{dx}$ хусусий ҳосиласи бу нуқтада ўзлуксиз бўлса, у ҳолда $y = \phi(x)$ ечим ягона ечим бўлади.

Биринчи тартибли дифференциал тенгламани қўйидагида қулай кўринишда ҳам ёзилади:

$$P(x, y)dx + Q(x, y)dy = 0. \quad (7.7)$$

(7.7) — дифференциал тенгламанинг дифференциалли кўринишдаги тенгламаси дейилади.

(7.5) ёки (7.6) дифференциал тенглама учун тенглама ечимининг мавжудлик ва ягоналиги ҳақидаги Коши теоремасини исботсиз келтирамиз.

Агар (7.6) тенгламанинг ўнг томони ва унинг $f'(x, y)$ хусусий ҳосиласи x ва y ўзгарувчаларнинг бирор ўзгариши соҳасида аниқланган ва ўзлуксиз бўлса, бу соҳанинг (x_0, y_0) ички нуқтаси қандай бўлмасин, берилган тенглама $y(x_0) = y_0$ бошлангич шартни қаноатлантирувчи ягона $y = \phi(x)$ ечимга эга бўлади.

Бу, геометрик нүктәнің назаридан, соғаның қар бир $(x_0; y_0)$ ички нүктәсі орқалы ягона интеграл эгін чизик үтишини билдиради.

$y' = f(x, y)$ тенгламаның $y(x_0) = y_0$ бошланғич шарттың қаоатлантирувчи ечимини топиш масаласы Коши масаласы дейилади.

Хосиланың геометрик маъносига күра:

$$y' = f(x, y) = \operatorname{tg} \alpha = k,$$

бу ерда α — уринманинг Ox үкқа оғиш бурчаги. Бу эса интеграл эгін чизик үннің қар бир нүктасыда үтказилған уринманинг бурчак коэффициенти (7.6) дифференциал тенглама үнг томонининг бу нүктадаги қыйматига тектен эканини билдиради.

Текисликнинг қар бир нүктасыга Ox үкқа оғиш бурчагининг тангенси (7.6) дифференциал тенглама үнг томонининг шу нүктадаги қыйматига тектен бұлады. Кесмә қойилған қисми бу дифференциал тенгламанинг йұналишлар майдони деб аталади.

Текисликнинг майдон кесмалари бир хил йұналишга зәғ бұлады. Барча нүкталар түплами дифференциал тенгламанинг изоклинасы дейилади.

Ушбу

$$f(x, y) = k \quad (7.8)$$

муносабат (7.6) дифференциал тенгламанинг изоклиналар оиласининг тенгламасы деб олинади. (7.8) изоклиналар оиласи ёрдамда интеграл эгін чизиклар оиласини тақрий ясаш мүмкін.


З - мисол. $y' = -\frac{2y}{x}$ дифференциал тенгламанинг интеграл эгін чизикларини изоклиналар усулы билан тақрий жасанды.

Ечиш. $-\frac{2y}{x} = k$ ($k = \text{const}$) деб берилған тенгламанинг $y = -\frac{k}{2}x$ изоклиналар оиласи тенгламасини топамыз. Улар координаталар бошидан үтүвчи түрги чизиклардан иборат бўлиб, йұналишлар майдони эса $y' = k = \operatorname{tg} \alpha$ тенглик билан аниқланади. k га ҳар хил қыйматлар берив, уларга мос изоклиналарини топамыз ва интеграл эгін чизик үтказилған уринманинг Ox үкқа оғиш

бурчаги α бўйича йұналишлар майдонини аниқладаймиз. Уларни куйидаги жадвал күринишида ёзиг оламиз:

k	0	$\pm \frac{1}{\sqrt{3}}$	± 1	$\pm \sqrt{3}$	± 2	± 3	$\pm \infty$
α	0	$\pm 30^\circ$	$\pm 45^\circ$	$\approx \pm 60^\circ$	$\approx \pm 64^\circ$	$\approx \pm 72^\circ$	$\pm 90^\circ$
$y = -\frac{k}{2}x$	$y=0$	$y = \pm \frac{x}{\sqrt{3}}$	$y = \pm \frac{1}{2}x$	$y = \pm \frac{\sqrt{3}}{2}x$	$y = \pm x$	$y = \pm \frac{3}{2}x$	$y=0$

Бу жадвалда берилганларга кўра майдон йұналишларини чизамиз (68-чизма) ва интеграл эгін чизикларни тақрий чизамиз. α бурчакнинг мусбат ёки манфий қыйматига қараб Ox үкідан соат стрелкасига қарама-қарши ёки соат стрелка-си йұналишида интеграл чизиклар чизилади.



68-чизма.

2-§. Ўзгарувчилари ажраладиган ва бир жинсли дифференциал тенгламалар

Ушбу

$$P(x)dx + Q(y)dy = 0 \quad (7.9)$$

тенглама ўзгарувчилари ажралган дифференциал тенглама дейилади. Унинг умумий интеграли

$$\int P(x)dx + \int Q(y)dy = C \quad (7.10)$$

каби аниқланади, бунда C — ихтиёрий ўзгармас.

Ушбу

$$M_1(x)N_1(y)dx + M_2(x)N_2(y)dy = 0 \quad (7.11)$$

ёки

$$y' = \frac{dy}{dx} = f_1(x)f_2(y) \quad (7.12)$$

тенгламалар ўзгарувчилари ажраладиган дифференциал тенгламалар дейилади.

(7.11), (7.12) тенгламаларда ўзгарувчиларни ажратиш қуидаги бажарилади. Фараз қилайлик, $N_1(y) \neq 0$, $M_2(x) \neq 0$ бўлсин. (7.11) тенгламанинг иккала қисмини $N_1(y)M_2(x)$ га бўламиш, (7.12) тенгламанинг иккала қисмини dx га кўпайтирамиз ва $f_2(y)$ га бўламиш. Натижада қуидаги кўринишдаги ўзгарувчилари ажралган тенгламаларга эга бўламиш:

$$\frac{M_1(x)}{M_2(x)}dx + \frac{N_2(y)}{N_1(y)}dy = 0, \quad f_1(x)dx - \frac{dy}{f_2(y)} = 0.$$

Булар (7.10) формула ёрдамида интегралланади:

$$\int \frac{M_1(x)}{M_2(x)}dx + \int \frac{N_2(y)}{N_1(y)}dy = C, \quad \int f_1(x)dx - \int \frac{dy}{f_2(y)} = C.$$

1-мисол. $(xy + y)dx + (xy + x)dy = 0$ дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. $x \neq 0, y \neq 0$ деб фараз қилиб, берилган тенгламанинг иккала қисмини xy га бўламиш. Натижада ўзгарувчилари ажралган қуидаги тенгламага эга бўламиш:

$$\left(1 + \frac{1}{x}\right)dx + \left(1 + \frac{1}{y}\right)dy = 0.$$

(7.10) формулага кўра унинг интегралини топамиш:

$$\int \left(1 + \frac{1}{x}\right)dx + \int \left(1 + \frac{1}{y}\right)dy = \ln|C|,$$

$$x + \ln|x| + y + \ln|y| = \ln|C|,$$

$$\ln|xy| + \ln e^{x+y} = \ln|C|, \quad xy e^{x+y} = C.$$

Охирги тенглик берилган дифференциал тенгламанинг умумий интегралидир. Уни топишида $x \neq 0, y \neq 0$ деб қабул қилган эдик. Аммо $x = 0$ ва $y = 0$ ҳам берилган тенгламанинг ечими булишини осонгина текшириш мумкин. Иккинчи томондан, уларни умумий интегралда $C = 0$ деб топиш ҳам мумкин. Демак, $x = 0, y = 0$ берилган тенгламанинг хусусий ечими.

2-мисол. $(1 + e^{2x})y^2y' = e^x$ дифференциал тенгламанинг $y(0) = 1$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенгламани дифференциалли шаклда ёзиб оламиш ((7.7) формулага қаранг):

$$(1 + e^{2x})y^2dy - e^x dx = 0.$$

Ўзгарувчиларни ажратамиз:

$$y^2dy - \frac{e^x}{1+e^{2x}}dx = 0.$$

Бу тенгламани интеграллаб берилган тенгламанинг умумий ечимини топамиш:

$$\int y^2dy - \int \frac{e^x}{1+e^{2x}}dx = \frac{C}{3}$$

ёки

$$\frac{y^3}{3} - \arctg e^x = \frac{C}{3}, \quad y = \sqrt[3]{C + 3\arctg e^x}.$$

Бошланғич шартдан фойдаланиб ихтиёрий ўзгармас C нинг қийматини аниқлаймиз:

$$1 = \sqrt[3]{C + \frac{3}{4}\pi} \Rightarrow C = 1 - \frac{3}{4}\pi.$$

Демак, берилган тенгламанинг хусусий ечими қуидаги кўринишда бўлади:

$$y = \sqrt{1 - \frac{3}{4}\pi + 3\operatorname{arctg} e^x}.$$

Агар $f(tx, ty) = t^n f(x, y)$ (n — ўзгармас сон) тенглик иштейрий $t \in R$ учун ўринли ($f(x, ty)$ функция аниқланган) бўлса, $f(x, y)$ функция x ва y аргументларга нисбатан n ўлчовли бир жинсли функция дейилади.

Масалан, $f(x, y) = 2x^4 - xy^3 + y^4$ функция тўрт ўлчовли ($n = 4$) бир жинсли функция бўлади, чунки

$$\begin{aligned} f(tx, ty) &= 2 \cdot (tx)^4 - (tx)^3(ty) + (ty)^4 = \\ &= t^4(2x^4 - x^3y + y^4) = t^4 f(x, y). \end{aligned}$$

$f(x, y) = 4\sqrt[4]{x^2} - 2\sqrt[4]{xy} - 3\sqrt[4]{y^2}$ функция

$$\begin{aligned} f(tx, ty) &= 4\sqrt[4]{(tx)^2} - 2\sqrt[4]{(tx)(ty)} - 3\sqrt[4]{(ty)^2} = \\ &= \sqrt[4]{t^2} \left(4\sqrt[4]{x^2} - 2\sqrt[4]{xy} - 3\sqrt[4]{y^2} \right) = t^{\frac{2}{4}} f(x, y) \end{aligned}$$

бўлгани учун $n = \frac{2}{4}$ ўлчовли бир жинсли функция бўлади.

Агар $n = 0$ бўлса, бундай функция ноль ўлчовли бир жинсли функция дейилади. Масалан,

$$f(x, y) = \frac{x+y}{x-y} \cdot \ln \left(\frac{x}{y} - 1 \right)$$

функция учун

$$\begin{aligned} f(tx, ty) &= \frac{tx+ty}{tx-ty} \cdot \ln \left(\frac{tx}{ty} - 1 \right) = \frac{t(x+y)}{t(x-y)} \cdot \ln \left(\frac{x}{y} - 1 \right) = \\ &= \frac{x+y}{x-y} \cdot \ln \left(\frac{x}{y} - 1 \right) = f(x, y) \end{aligned}$$

(бунда $t \neq 0$) бўлгани учун берилган функция ноль ўлчовли бир жинсли функция бўлади.

Агар $f(x, y)$ функция ўзининг аргументларига нисбатан ноль ўлчовли бир жинсли функция, яъни

$$f(tx, ty) = t^0 f(x, y) = f(x, y)$$

бўлса, у ҳолда қўйидаги нормал кўринишдаги

$$y' = \frac{dy}{dx} = f(x, y) \quad (7.13)$$

332

дифференциал тенглама x ва y ўзгарувчиларга нисбатан бир жинсли тенглама дейилади.

Агар бир жинсли $P(x, y)$, $Q(x, y)$ функциялар бир хил n ўлчовли, яъни

$$P(tx, ty) = t^2 P(x, y), \quad Q(tx, ty) = t^2 Q(x, y)$$

бўлса, у ҳолда тўлиқ дифференциалли

$$P(x, y)dx + Q(x, y)dy = 0$$

тенглама бир жинсли бўлади. Ҳақиқатан, уни қўйидаги нормал кўринишда ёшиб оламиш:

$$y' = -\frac{P(x, y)}{Q(x, y)} = f(x, y),$$

бундан

$$f(tx, ty) = -\frac{P(tx, ty)}{Q(tx, ty)} = -\frac{t^2 P(x, y)}{t^2 Q(x, y)} = f(x, y)$$

бўлгани сабабли $f(x, y)$ функция ноль ўлчовли бир жинсли функция бўлади.

Нормал кўринишдаги (7.13) бир жинсли дифференциал тенгламани ҳар доим $y' = f(x, y) = f(tx, ty)$ кўринишда ёзиш мумкин ва $t = \frac{1}{x}$ алмаштириш ёрдамида $y' = \frac{dy}{dx} = f\left(1, \frac{y}{x}\right) = \varphi\left(\frac{y}{x}\right)$ ни ҳосил қилинади. Демак, (7.13) тенгламани $y = xu$ ($u = \frac{y}{x}$, $y' = u + xu'$) алмаштириш ёрдамида x ва янги $u(x)$ функцияларга нисбатан ўзгарувчила-ри ажralадиган тенгламага келтирилади:

$$u + xu' = \varphi(u), \quad x \frac{du}{dx} = \varphi(u) - u, \quad \frac{du}{\varphi(u)-u} = \frac{dx}{x}.$$

3-мисол. $2x^2y' = x^2 + y^2$ дифференциал тенгламанинг умумий ва $y(1) = 0$ бошланғич шартни қонаотлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Е чиши. $2x^2$ ва $x^2 + y^2$ функциялар икки ўлчовли бир жинсли бўлгани учун берилган тенглама бир жинсли бўлади. $y = xu$, $y' = xu' + u$ алмаштиришни бажарамиз:

$$2x^2(u + xu') = x^2 + (xu)^2, \quad 2x^2(u + xu') = x^2(1 + u^2).$$

$x \neq 0$ деб тенгламанинг иккала қисмини x^2 га бўламиш. Сўнгра ўзгарувчиларни ажратамиш:

333

$$2u + 2x \frac{du}{dx} = 1 + u^2, \quad 2x du = (1 - 2u + u^2) dx.$$

$$\frac{du}{(u-1)^2} = \frac{dx}{2x}, \quad \int \frac{du}{(u-1)^2} = \int \frac{dx}{2x}, \quad \int \frac{d(u-1)}{(u-1)^2} = \frac{1}{2} \ln|x| + \ln C,$$

$$-\frac{1}{u-1} = \frac{1}{2} \ln|x| + \ln C, \quad 1 = (1-u) \ln(C\sqrt{|x|}).$$

Охириги ифодадаги и нинг ўрнига $\frac{y}{x}$ қийматини кўямиз:

$$1 = \left(1 - \frac{y}{x}\right) \ln(C\sqrt{|x|}), \quad x = (x-y) \ln(C\sqrt{|x|}).$$

Уни уга нисбатан ечиб, берилган дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топамиз:

$$y = x - \frac{x}{\ln(C\sqrt{|x|})}.$$

$y(1) = 0$ бошлангич шартдан фойдаланиб, ўзгармас C нинг қийматини аниқлаймиз:

$$0 = 1 - \frac{1}{\ln C}, \quad \ln C = 1, \quad C = e.$$

Демак, берилган тенгламанинг хусусий ечими қўйидаги кўринишда бўлади:

$$y = x - \frac{x}{1 + \ln \sqrt{|x|}}.$$

Mashqalar

338. $y(x, C)$ функция (бунда C — ихтиёрий ўзгармас сон) берилган дифференциал тенгламанинг ечими (интеграги) бўладими:

- a) $y = x^2 \left[1 + Ce^{\frac{1}{2}} \right], \quad x^2 y' + (1 - 2x)y = x^2;$
- б) $y = Ce^x - e^{-x}, \quad xy'' + 2y' - xy = 0;$
- в) $x^2 + y^4 = Cy^2, \quad xydy = (x^2 - y^4)dy;$
- г) $y = Cx + \frac{1}{C}, \quad xy' - y + \frac{1}{y} = 0;$
- д) $y = \frac{2+Cx}{1+2x}, \quad 2(1+x^2y') = y - xy';$
- е) $e^x = Cy, \quad xyy' - y^2 = x^2y';$

339. Кўйида берилган ҳар бир дифференциал тенглама учун изокина усули ёрдамида йўналишлар майдонини ясанг ва интеграл эгри чизиқларни тақриби чизинг:

а) $y' = x + y; \quad$ б) $2xy' = \frac{y^2}{x}; \quad$ в) $xy' = 1 - y.$

340. Кўйидаги дифференциал тенгламаларнинг умумий ечимини топинг:

- а) $(1 + e^x)y' = ye^x;$
- б) $xy' = y^2 + 1;$
- в) $3y' = \frac{y^2}{x^2} + 9 \frac{y}{x} + 9;$
- г) $xy' = y + \sqrt{x^2 + y^2};$
- д) $ydx + (\sqrt{xy} - \sqrt{x})dy = 0;$
- е) $4(x^2y + y)dy + \sqrt{5 + y^2}dx = 0.$

341. Кўйидаги дифференциал тенгламаларнинг берилган бошлангич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечими топинг:

- а) $(x + xy)dy + (y - xy)dx = 0, \quad y(1) = 1;$
- б) $xy' = x \sin \frac{y}{x} + y, \quad y(2) = \pi;$
- в) $ydx + (\sqrt{xy} - x)dy = 0, \quad y(1) = 1;$
- г) $xy' = y(l + \ln y - \ln x), \quad y(1) = e^2.$

3-§. Биринчи тартибли чизиқли дифференциал тенгламалар. Бернуlli тенгламаси

Номаълум у функция ва унинг y' ҳосиласига нисбатан $y' + P(x)y = Q(x)$ (7.14)

кўринишдаги тенглама (шунигдек, алгебраик алмаштиришлар ёрдамида (7.14) кўринишга келтириладиган тенглама) биринчи тартибли чизиқли бир жинслимас дифференциал тенглама дейилади. $P(x) \neq 0$ ва $Q(x) \neq 0$ функ-

циялар бирор соҳада узлуксиз бўлиши керак. Масалан, $[a; b]$ кесмада Коши теоремасининг шарти бажарилсин. (7.14) тенгламанинг умумий ечимини ҳар доим қўйидаги кўришида ёзиш мумкин:

$$y = e^{-\int P(x)dx} \left(\int Q(x) e^{\int P(x)dx} dx + C \right), \quad (7.15)$$

бунда C — иктиёрий ўзгармас. Шундай қилиб, (7.14) тенгламанинг умумий ечими маълум бўлган $P(x)$, $Q(x)$ функцияларнинг интеграллари орқали ифодаланади.

Агар (7.14) тенгламада $Q(x) = 0$ ёки $P(x) = 0$ бўлса, у ҳолда ўзгарувчиларга нисбатан ажralадиган дифференциал тенглама ҳосил қиласиз ва унинг умумий ечими мос равишда (7.14) тенгламада $Q(x) = 0$ ёки $P(x) = 0$ деб аниқлаймиз. $Q(x) = 0$ бўлган ҳолда (7.14) тенглама чизиқли бир жинсли дифференциал тенгламага айланади.

1 - мисол. $(x^2 - x)y' + y = x^2(2x - 1)$ тенгламанинг умумий ечимини ва $y(-2) = 2$ бошлангич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенгламанинг иккала қисмини $x^2 - x \neq 0$ га бўлиб, уни (7.14) кўринишдаги тенгламага келтирамиз:

$$y' + \frac{y}{x^2 - x} = \frac{x^2(2x - 1)}{x^2 - x}.$$

$$\text{Бунда } P(x) = \frac{1}{x^2 - x} = \frac{1}{x(x-1)}, \quad Q(x) = \frac{x^2(2x-1)}{x(x-1)} = \frac{x(2x-1)}{x-1}.$$

(7.15) формулага асосан берилган тенгламанинг умумий ечими қўйидаги кўринишда бўлади:

$$y = e^{-\int \frac{dx}{x(x-1)}} \left(\int \frac{x(2x-1)}{x-1} e^{\int \frac{dx}{x(x-1)}} dx + C \right).$$

Бу ечимдаги интегралларни топамиз:

$$\text{a) } \int \frac{dx}{x(x-1)} \Big| \frac{A}{x} + \frac{B}{x-1} = \frac{1}{x(x-1)}, \quad A = -1, \quad B = 1 \Big| =$$

$$= \int \left(-\frac{1}{x} + \frac{1}{x-1} \right) dx = -\ln|x| + \ln|x-1| = \ln \left| \frac{x-1}{x} \right|;$$

$$\text{6) } \int \frac{x(2x-1)}{x-1} e^{\int \frac{dx}{x(x-1)}} dx = \int \frac{x(2x-1)}{x-1} \cdot \left| \frac{x-1}{x} \right| dx = \\ = \pm \int (2x-1) dx = \pm(x^2 - x),$$

бунда (+) ва (-) ишоралар $\left| \frac{x-1}{x} \right| = \pm \frac{x-1}{x}$ тенгликдан ҳосил бўлади. Топилган (а) ва (б) интегралларни умумий ечимга қўямиз:

$$y = e^{-\int \frac{dx}{x(x-1)}} (\pm(x^2 - x) + C) = \left| \frac{x}{x-1} \right| \cdot (\pm(x^2 - x) + C) = \\ = \pm \frac{x}{x-1} \cdot (\pm x(x-1) + C) = x^2 + \frac{Cx}{x-1}.$$

Ундан $y(-2) = 2$ шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини ажратиб оламиз:

$$2 = 4 - \frac{2C}{-2-1}, \quad C = -3, \quad y = x^2 - \frac{3x}{x-1}.$$

Айрим ҳолларда дифференциал тенгламалар x га нисбатан чизиқли бўлиб, уларнинг умумий кўриниши қўйидагича бўлади:

$$\frac{dx}{dy} + P(y)x = Q(y). \quad (7.16)$$

(7.16) нинг умумий ечими қўйидаги формула ёрдамида аниқланади:

$$x = e^{-\int P(y)dy} \left(\int Q(y)e^{\int P(y)dy} dy + C \right). \quad (7.17)$$

2 - мисол. $(2x - y^2)y' = 2y$ дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенглама $x(y)$ функцияга нисбатан чизиқли бўлгани учун, уни қўйидаги кўринишда ёзаб оламиз:

$$(2x - y^2) \frac{dy}{dx} = 2y, \quad 2x - y^2 = 2y \frac{dx}{dy}, \quad \frac{dx}{dy} = \frac{x}{y} - \frac{y}{2}, \\ \frac{dx}{dy} - \frac{1}{y} \cdot x = -\frac{y}{2}, \quad P(y) = -\frac{1}{y}, \quad Q(y) = -\frac{y}{2},$$

яъни (7.16) кўринишдаги тенгламага эга бўлдик. (7.17) формулага асосан берилган тенгламанинг умумий ечими қўйидаги кўринишда бўлади:

$$x = e^{\int \frac{dy}{y}} \left(-\int \frac{y}{2} e^{-\int \frac{dy}{y}} dy + C \right) = e^{\ln|y|} \left(-\int \frac{y}{2} e^{-\ln|y|} dy + C \right) =$$

$$= |y| \left(-\frac{1}{2} \int \frac{y}{|y|} dy + C \right) = -\frac{y}{2} \int dy + C = C - \frac{1}{2} y^2.$$

(7.14) чизиқли дифференциал тенгламанинг Бернулли усули билан ҳам интеграллаш мүмкін. Унинг учун иккита: $u(x)$ ва $v(x)$ номаълум функциялар бўлган $y = u(x) \cdot v(x)$ алмаштиришини (Бернулли алмаштиришини) кўллаймиз. У ҳолда $y' = u'v + uv'$ (7.14) тенгламадаги y ва y' ларни ўрнига кўйидаги

$$u'v + uv' + P(x)uv = Q(x)$$

тенгламани ҳосил қиласиз. Бундан

$$(v' + P(x) \cdot v)u + u'v = Q(x). \quad (7.18)$$

Номаълум функцияларнинг бирини ихтиёрий танлаб олиш мүмкін бўлгани учун, масалан, v ни шундай оламизи, у (7.18) тенгламадаги и нинг олдиаги коэффициентини нолга айлантирувчи тенгламанинг $v = v(x)$ хусусий ечими бўлсин. Бундан кейин (7.18) тенглама $u'v = Q(x)$ кўринишга келади. Бу тенгламанинг умумий ечими $u = u(x, C)$ бўлсин, у ҳолда $y = u(x, C) \cdot v(x)$ (7.14) тенгламанинг умумий ечими бўлади. Шундай килиб, (7.14) тенгламани интеграллаш иккита ўзгарувчилари ажralадиган тенгламани интеграллаш келтирилади.

3- мисол. $y' + \operatorname{tg}x = \frac{1}{\cos x}$ тенгламани Бернулли усули билан интегралланг ва унинг $y(\pi) = 1$ бошлангич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. $y = uv$, $y' = u'v + uv'$ Бернулли алмаштириши бажариб, кўйидагига эга бўласиз:

$$u'v + uv' + uv\operatorname{tg}x = \frac{1}{\cos x}, \quad (v' + \operatorname{tg}x)u + u'v = \frac{1}{\cos x}.$$

$v' + \operatorname{tg}x = 0$ тенгламанинг хусусий ечимини топамиз:

$$dv + v\operatorname{tg}xdx = 0, \quad \frac{dv}{v} + \operatorname{tg}xdx = 0,$$

$$\int \frac{dv}{v} + \int \operatorname{tg}xdx = 0, \quad \ln|v| - \ln|\cos x| = \ln C_1.$$

$C_1 = 1$ деб тенгламанинг $v = \cos x$ хусусий ечимни оламиз. Сўнгра $u'v = \frac{1}{\cos x}$ (бунда $v = \cos x$) тенгламанинг умумий ечимини излаймиз:

$$u' = \frac{1}{\cos^2 x}, \quad u = \int \frac{dx}{\cos^2 x} + C = \operatorname{tg}x + C.$$

Берилган тенгламанинг умумий ечими:

$$y = uv = (\operatorname{tg}x + C)\cos x.$$

Ундан $y(\pi) = 1$ бошлангич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимни ажратиб оламиз: $1 = (0 + C) \cdot (-1)$, бундан $C = -1$. Бу қийматни умумий ечимга кўйиб, берилган тенгламанинг хусусий ечимини топамиз:

$$y = (\operatorname{tg}x - 1)\cos x = \sin x - \cos x.$$

Ушбу

$$y' + P(x)y = Q(x)y^n \quad (7.19)$$

дифференциал тенглама (бунда $n = \text{const} \in R, n \neq 0, n \neq 1$), шунингдек, бирор алгебраик алмаштиришлар ёрдамида (7.19) кўринишга келтириладиган исталган тенглама *Бернулли тенгламаси* дейилади.

$z(x)$ янги функцияни $z = y^{n-1}$ формула ёрдамида алмаштирилса, у ҳолда Бернулли тенгламаси шу функцияга нисбатан чизиқли тенгламага келтирилади:

$$z' + (1-n)P(x)z = (1-n)Q(x). \quad (7.20)$$

Юқоридаги усуллардан фойдаланиб, (7.20) тенгламанинг $z = z(x, c)$ ечимини топамиз. Сўнгра $y = z^{1/(1-n)}$ топилади.

Бернулли тенгламасининг ечимини $y = u(x) \cdot v(x)$ Бернулли алмаштириши ёрдамида ҳам топиш мүмкін. Буни мисолда кўрсатамиз.

4- мисол. Ушбу $y' + 2e^x y = 2e^x \sqrt{y}$ Бернулли тенгламасининг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенгламада $n = \frac{1}{2}$ бўлгани учун $z = y^{1-n} = \sqrt{y}$ алмаштиришни бажарамиз. (7.20) тенгламага кўра $z' + e^x z = e^x$ тенгламани ҳосил қиласиз, унинг умумий ечими (7.15) формулага асосан қўйидаги кўринишда бўлади:

$$z = e^{-\int e^x dx} \left(\int e^x \cdot e^{\int e^x dx} dx + C \right) = e^{-e^x} \left(\int e^x e^{e^x} dx + C \right) =$$

$$= e^{-e^x} \left(\int e^{e^x} dx e^x + C \right) = e^{-e^x} \left(e^{e^x} + C \right) = 1 + Ce^{-e^x}.$$

Берилган тенгламанинг умумий ечими:

$$y = z^2 = \left(1 + Ce^{-e^x} \right)^2.$$

5 - мисол. Ушбу $xy' + y = xy^2 \ln x$ дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Тенгламанинг иккала қисмини $x \neq 0$ га булашимиз. Натижада $n = 2$ бўлган Бернулди тенгламасига эга бўламиз. Уни Бернулли алмаштириши ($y = uv$, $y' = u'v + uv'$) усули билан счамиз:

$$x(u'v + uv') + uv = x(uv)^2 \ln x.$$

$xv' + v = 0$ тенгламанинг хусусий ечими $v = x^{-1}$ осонгина топилади. Энди $xv' = xu^2 v^2 \ln x$ тенгламанинг умумий ечимини топиш керак.

$v = x^{-1}$ қийматни ўрнига қўйиб, $u' = u^2 \cdot \frac{\ln x}{x}$ тенгламанинги ҳосил қиласиз.

Охирги тенгламадаги ўзгарувчиларни ажратамиз ва уни интеграллаймиз:

$$\begin{aligned} \frac{du}{u^2} &= \ln x \frac{dx}{x}, \quad \int \frac{du}{u^2} = \int \ln x \frac{dx}{x}, \\ -\frac{1}{u} &= \frac{\ln^2 x}{2} + \frac{C}{2}, \quad u = -\frac{2}{C + \ln^2 x}. \end{aligned}$$

Демак, берилган тенгламанинг умумий ечими:

$$y = uv = -\frac{2}{x(C + \ln^2 x)}.$$

Mashqalar

342. Қуидаги дифференциал тенгламаларнинг турини аниqlang ва уларни ечиш йўлларини кўрсатинг:

a) $xy' + 2\sqrt{xy} = y;$

b) $y' \cos x = \frac{y}{\ln y};$

- в) $y' = \frac{y}{2x \ln y + y - x};$ г) $(1 + e^{2x})y^2 dy - e^x dx = 0;$
 д) $y' = e^{2x} - e^x y;$ е) $xy' + y - y^2 = 0;$
 ж) $2x \cos^2 y dx + (2y - x^2 \sin 2y)dy = 0;$
 з) $y^2 + x^2 y' = xyy'.$

343. Ушбу дифференциал тенгламаларнинг умумий ечимини топинг:

- а) $y' + \frac{y}{x} = 1 + 2 \ln x;$
 б) $y' + 4xy = 2x^{-x^2} y;$
 в) $(2y - x^2 \sin 2y)y' + 2x \cos^2 y = 0;$
 г) $(x^2 - xy)y' + y^2 = 0;$
 д) $y' - \frac{y}{x-3} = \frac{y}{x-3};$
 е) $xdy = (e^{-x} - y)dx.$

344. Ушбу дифференциал тенгламаларнинг берилган бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

- а) $2xydx + (y - x^2)dy = 0, y(-2) = 4;$
 б) $y' = 2y - x + e^x, y(0) = -1;$
 в) $y' + 3y = e^{2x} y^2, y(0) = 1;$
 г) $y' + y \operatorname{tg} x = \frac{1}{\cos x}, y(\pi) = 5;$
 д) $y^2 dx = \left(x + ye^{-\frac{1}{y}} \right) dy, y(0) = -3;$
 е) $y' - 7y = e^{3x} y^2, y(0) = 2.$

4-§. Тұлиқ дифференциаллы тенглама

Агар D соңада $P(x,y)$, $Q(x,y)$ функциялар аниқланған да

$$\frac{dP(x,y)}{dy} = \frac{dQ(x,y)}{dx} \quad (7.21)$$

тенгсизлик бажарылса,

$$P(x,y)dx + Q(x,y)dy = 0 \quad (7.22)$$

тенглама ечими мавжуд бўлади. (7.22) кўринишдаги тенглама тўлиқ дифференциаллы тенглама дейилади.

(7.22) тенгламанинг умумий интегралы қуилаги формулаларнинг бирин билан аниқланади:

$$\int_{x_0}^x P(x,y_0) dx + \int_{y_0}^y Q(x,y) dy = C, \quad (7.23)$$

$$\int_{x_0}^x P(x,y) dx + \int_{y_0}^y Q(x_0,y) dy = C, \quad (7.24)$$

бунда $M_0(x_0, y_0) \in D$.

Мисол. $(x^2 + y - 4)dx + (x + y + e^y)dy = 0$ тенгламанинг умумий интегралини топинг.

Ечиш. $P = x^2 + y - 4$, $Q = x + y + e^y$ деб белгилаб оламиз

$$\frac{dP}{dy} = 1, \quad \frac{dQ}{dx} = 1$$

бўлгани учун (7.21) шарт бажарилади ва берилган тенглама тўлиқ дифференциаллы тенглама бўлади. Унинг умумий интегралини (7.23) ёки (7.24) формуладаги $x_0 = 0$, $y_0 = 0$ деб топиш мумкин.

Тандаб олинган x_0 , y_0 нинг бу қийматларида $P(x,y)$, $Q(x,y)$ функциялар ва унинг хусусий ҳосилалари аниқланган, яъни $M_0(0,0) \in D$. (7.23) формулага асосан қўйида-гига эга бўламиз:

$$\int_0^x (x^2 + 0 - 4) dx + \int_0^y (x + y + e^y) dy = C,$$

$$\frac{x^3}{3} - 4x + xy + \frac{y^2}{2} + e^y - 1 = C.$$

(7.24) формулага асосан:

$$\int_0^x (x^2 + y - 4) dx + \int_0^y (0 + y + e^y) dy = C,$$

$$\frac{x^3}{3} + xy - 4x + \frac{y^2}{2} + e^y - 1 = C,$$

яъни аниқланган умумий интеграл билан бир хил натижага эга бўлдик.

Машқлар

345. Қўйидаги дифференциал тенгламаларнинг умумий интегралини топинг:

a) $(e^y + y + \sin y)dx + (e^y + x + x \cos y)dy = 0$;

b) $\left(2x + e^y \right) dx + \left(1 - \frac{1}{y} \right) e^y dy = 0$;

v) $y' = \frac{y-3x^3}{4y-x}$;

g) $(3x^2 y + \sin x)dx + (x^3 - \cos y)dy = 0$.

346. Қўйидаги дифференциал тенгламаларнинг хусусий ечимларини топинг:

a) $e^{-y}dx + (2y - xe^{-y})dy = 0$, $y(-3) = 0$;

b) $xdx + ydy = \frac{xdy - ydx}{x^2 + y^2}$, $y(1) = 1$;

v) $x + ye^x + (y + e^x)y' = 0$, $y(0) = 4$;

g) $(2x + y + 3x^2 \sin y)dx + (x + x^3 \cos y + 2y)dy = 0$, $y(0) = 2$.

347. $A(1;0)$ нуқтадан ўтвичи шундай эгри чизиқнинг тенгламасини тузингки, унинг ҳар қандай нуқтасига ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти уриниш нуқтасининг радиус-вектори бурчак коэффициентининг квадратига тенг бўлсин.

348. $A(2;1)$ нуқтадан ўтвичи шундай эгри чизиқнинг тенгламасини тузингки, унинг ҳар қандай нуқтасига ўтказилган уринманинг бурчак коэффициенти уриниш нуқтасининг радиус-вектори бурчак коэффициентининг квадратига тенг бўлсин.

349. Радийнинг емирилиш тезлиги унинг мавжуд миқдорига пропорционалдир. Агар 1600 йилдан сўнг бошланғич миқдорнинг ярмиси қолиши маълум бўлса, неча йилдан сўнг 1 кг радийдан 650 г қолишини ҳисобланг.

350. Тандирдан олинган нон 20 мин. ичидаги 100° дан 60° гача совиди. Атрофидаги ҳавонинг температураси 25° га тенг. Ноннинг совиш тезлигини нон температураси ва унинг атрофидаги ҳавонинг температураси айрмасига пропорционал деб ҳисоблаб, нон қанча вақт ичидаги 30° гача совишини аниқланг.

5-§. Тартибини пасайтириш мумкин бўлган юқори тартибли дифференциал тенгламалар

Тартибини пасайтириш мумкин бўлган юқори тартибли дифференциал тенгламаларнинг баъзи турларини кўриб чиқамиз.

I.

$$y^{(n)} = f(x) \quad (7.25)$$

кўринишдаги тенгламанинг умумий счими n марта интеграллаш усули билан топилади. Унинг иккала қисмини dx га кўпайтириб интегралласак, $(n-1)$ -тартибли тенгламага эга бўламиш:

$$y^{(n-1)} = \int y^{(n)} dx = \int f(x) dx = \varphi_1(x) + \bar{C}_1.$$

Бу ишни такрорласак $(n-2)$ -тартибли тенгламага эга бўламиш:

$$\begin{aligned} y^{(n-2)} &= \int y^{(n-1)} dx = \int (\varphi_1(x) + \bar{C}_1) dx = \\ &= \int \varphi_1(x) dx + \int \bar{C}_1 dx = \varphi_2(x) + \bar{C}_1 x + \bar{C}_2. \end{aligned}$$

n марта интеграллаб (7.25) тенгламанинг умумий ечимини хосил қиласиз:

$$y = \varphi_n(x) + C_1 x^{n-1} + C_2 x^{n-2} + \dots + C_{n-1} x + C_n, \quad (7.26)$$

бунда $C_i (i = 1, n)$ — ихтиёрий ўзгармас сонлар бўлиб, улар $\bar{C}_1, \bar{C}_2, \dots, \bar{C}_n$ ихтиёрий ўзгармас сонлар билан аниқданали.

1 - мисол. Ушбу $y'' = \frac{8}{(x-3)^5}$ дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Е ч и ш . Берилган тенгламанинг иккала қисмини dx га кўпайтириб, учинчи тартибли тенгламага эга бўламиш:

$$y''' = \int y'' dx = \int \frac{8dx}{(x-3)^5} = -\frac{2}{(x-3)^4} + \bar{C}_1.$$

Бу тенгликни яна уч марта интегралласак, берилган тенгламанинг умумий ечимига эга бўламиш:

$$y'' = \int y''' dx = \int \left(-\frac{2}{(x-3)^4} + \bar{C}_1 \right) dx = \frac{2}{3(x-3)^3} + \bar{C}_1 x + \bar{C}_2$$

$$\begin{aligned} y' &= \int y'' dx = \int \left(\frac{2}{3(x-3)^3} + \bar{C}_1 x + \bar{C}_2 \right) dx = \\ &= -\frac{1}{3(x-3)^2} + \frac{1}{2} \bar{C}_1 x^2 + \bar{C}_2 x + \bar{C}_3, \end{aligned}$$

$$y = \int y' dx = \int \left(-\frac{1}{3(x-3)^2} + \frac{1}{2} \bar{C}_1 x^2 + \bar{C}_2 x + \bar{C}_3 \right) dx =$$

$$= \frac{1}{3(x-3)} + \frac{1}{6} \bar{C}_1 x^3 + \frac{1}{2} \bar{C}_2 x^2 + \bar{C}_3 x + \bar{C}_4 =$$

$$= \frac{1}{3(x-3)} + C_1 x^3 + C_2 x^2 + C_3 x + C_4,$$

бунда $C_1 = \frac{1}{6} \bar{C}_1, C_2 = \frac{1}{2} \bar{C}_2, C_3 = \bar{C}_3, C_4 = \bar{C}_4$.

II. n -тартибли дифференциал тенгламада изланадиган у функция ва унинг $k (1 \leq k \leq n)$ тартибгача ҳосиласи иштирок этмасин, яъни

$$F(x, y^{(k)}, y^{(k+1)}, \dots, y^{(n)}) = 0. \quad (7.27)$$

$z(x)$ номаълум функцияни $z = y^{(k)}$ формула буйича киритамиш ва $y^{(k+1)} = z'$, $y^{(k+2)} = z'', \dots, y^{(n)} = z^{(n-k)}$ ларни эътиборга олиб, $z(x)$ функцияга нисбатан $(n-k)$ -тартибли

$$F(x, z, z', z'', \dots, z^{(n-k)}) = 0 \quad (7.28)$$

дифференциал тенгламага эга бўламиш, яъни (7.27) тенгламанинг тартиби k га пасайтирилади. Агар (7.28) тенгламанинг умумий ечимини $z = \varphi(x, C_1, C_2, \dots, C_{n-k})$ кўринишда аниқлаш мумкин бўлса, кўйидаги дифференциал тенгламага эга бўламиш:

$$z = y^{(k)} = \varphi(x, C_1, C_2, \dots, C_{n-k}).$$

Бу (7.25) күринишдаги тенгламадан иборат бўлиб, унинг ечими k марта интегралаш ёрдамида топилади. Хусусий ҳолда, агар $n = 2$, $k = 1$ бўлса, (7.28) тенглама биринчи тартибли тенглама бўлади.

2 - мисол. Ушбу $xy'' = y' \ln \frac{y'}{x}$ дифференциал тенгламанинг $y(1) = e$, $y'(1) = e^2$ бошланғич шартни қонаотлантирувчи ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенгламада у қатнашмагани ва $n = 2$, $k = 1$ бўлгани учун у II тур күринишдаги тенгламадир. $z = y'$ деб бу тенгламанинг тартибини биттага пасайтирамиз. У ҳолда $z' = y''$ ба берилган тенглама изланадиган z функцияяга нисбатан биринчи тартибли бир жисни дифференциал тенглама кўринишига келади:

$$xz' = z \ln \left(\frac{z}{x} \right).$$

Уни ечиш учун $z = x \cdot u(x)$, $z' = u + xu'$ алмаштиришни бажарсак, тенглама кўриниши қўйидагича бўлади:

$$u + xu' = u \ln u.$$

Бу тенгламада ўзгарувчиларни ажратамиз ва интегралаймиз:

$$\frac{du}{u(\ln u - 1)} = \frac{dx}{x}, \quad \ln |\ln u - 1| = \ln x + \ln C_1,$$

$$\ln u - 1 = C_1 x, \quad u = e^{1+C_1 x}, \quad z = xe^{1+C_1 x}.$$

$z = y'$ бўлгани учун, охирги тенглама биринчи тартибли дифференциал тенглама бўлади ва у бир марта интеграллаш ёрдамида ечилади:

$$\begin{aligned} z = y' &= xe^{1+C_1 x}, \quad y = \int xe^{1+C_1 x} dx = \frac{1}{C_1} \int x d(e^{1+C_1 x}) = \\ &= \frac{1}{C_1} \left(xe^{1+C_1 x} - \int e^{1+C_1 x} dx \right) = \frac{C_1 x - 1}{C_1^2} e^{1+C_1 x} + C_2. \end{aligned}$$

Берилган тенгламанинг умумий ечимини топлик. $y(1) = e$, $y'(1) = e^2$ бошланғич шартлардан фойдаланиб C_1 ва C_2 ихтиёрий ўзгармасларнинг қийматини аниқдаймиз:

$$\begin{cases} e = \frac{C_1 - 1}{C_1^2} e^{1+C_1} + C_2, \\ e^2 = e^{1+C_1}. \end{cases}$$

Бундан $C_1 = 1$, $C_2 = e$.

Демак, берилган тенгламанинг хусусий ечими

$$y = (x - 1) e^{1+x} + e$$

3 - мисол. Ушбу $y''' \cdot \operatorname{ctgx} + y'' = 2$ тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган тенглама учун $n = 3$, $k = 2$, демак, берилган тенглама II тур күринишдаги тенгламадир. $z = y'$ янги функцияя киритамиз ва берилган тенгламадан $z' \operatorname{ctgx} + z = 2$ чизиқли тенгламани ҳосил қиласиз. Уни қўйидаги кўринишида ёзиб оламиз:

$$z' + z \operatorname{tgx} = 2 \operatorname{tgx}.$$

Унинг умумий ечимини (7.15) формулага асосан топамиз:

$$\begin{aligned} z &= e^{-\int \operatorname{tgx} dx} \left(\int 2 \operatorname{tgx} \cdot e^{\int \operatorname{tgx} dx} dx + C_1 \right) = \\ &= e^{\ln |\cos x|} \cdot \left(2 \int \operatorname{tgx} \cdot e^{-\ln |\cos x|} dx + C_1 \right) = \\ &= |\cos x| \cdot \left(2 \int \frac{\operatorname{tgx}}{|\cos x|} dx + C_1 \right) = 2 \cos x \int \frac{\sin x}{\cos^2 x} dx + C_1 \cos x = \\ &= 2 \cos x \cdot \frac{1}{\cos x} + C_1 \cos x = 2 + C_1 \cos x. \end{aligned}$$

$z = y'$ бўлгани учун I тур дифференциал тенглама кўринишига эга бўламиз. Уни қўйидагича ёзмиз:

$$y'' = 2 + C_1 \cos x, \quad y' = \int (2 + C_1 \cos x) dx = 2x + C_1 \sin x + C_2,$$

$$y = \int (2x + C_1 \sin x + C_2) dx = x^2 - C_1 \cos x + C_2 x + C_3.$$

Демак, умумий ечим $y = x^2 - C_1 \cos x + C_2 x + C_3$ бўлади.

III. Эркли ўзгарувчи x ошкор қатнашмайдиган қўйидаги n -тартибли дифференциал тенгламани қўрамиз:

$$F(y, y', y'', \dots, y^{(n)}) = 0. \quad (7.29)$$

Бу ҳолда $P(y) = y'$ (бунда y нинг аргументи деб қаралади) янги функция киритиш тенгламанинг тартибини бир бирликка пасайтиришга имкон беради. Бунинг учун $y', y'', \dots, y^{(n)}$ ларни аргументи y бўлган янги функциянинг ҳосилалари орқали ифодалаш керак. Мураккаб функцияни дифференциаллаш қоидасига кўра:

$$\begin{aligned} y' &= \frac{dy}{dx} = P, \quad y'' = \frac{dP}{dx} = \frac{dP}{dy} \cdot \frac{dy}{dx} = P \frac{dP}{dy}, \\ y''' &= \frac{dy''}{dx} = \frac{d}{dx} \left(P \frac{dP}{dy} \right) = \frac{dP}{dx} \cdot \frac{dP}{dy} + P \frac{d^2 P}{dxdy} = \\ &= P \left(\frac{dP}{dy} \right)^2 + P^2 \frac{d^2 P}{dy^2} \end{aligned} \quad (7.30)$$

ва ҳоказо. Бажарилган ҳисоблашлардан кўриниб турибдики, $y^{(k)}$ ҳосила тартиби $k-1$ дан катта бўлмаган P функциянинг уга нисбатан ҳосилалари орқали ифодаланади. Натижада (7.30) тенгламаларни эътиборга олсак, (7.29) тенглама кўйидаги кўринишини олади:

$$\Phi \left(y, P, \frac{dP}{dy}, \frac{d^2 P}{dy^2}, \dots, \frac{d^{(n-1)} P}{dy^{(n-1)}} \right) = 0. \quad (7.31)$$

Агар (7.31) тенглама

$$P = \phi(y, C_1, C_2, \dots, C_{n-1})$$

умумий ечимга эга бўлса, $P = \frac{dy}{dx}$ ни эътиборга олиб (7.29) тенгламанинг умумий ечимини топиш охирги тенгламада ўзгарувчиларни ажратиш ва уни ечишга келтирилади:

$$\int \frac{dy}{\phi(y, C_1, C_2, \dots, C_{n-1})} = \int dx, \quad \Phi(y, C_1, C_2, \dots, C_{n-1}) = x + C_n.$$

Агар (7.29) тенгламада $n = 2$ бўлса, (7.31) тенглама биринчи тартибли тенглама будади.

4 - мисол. Ушбу $y''' - \frac{(y'')^2}{y'} = 6(y')^2 y$ тенгламанинг $y(2) = 0$, $y'(2) = 1$, $y''(2) = 0$ бошланғич шартларни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Е ч и ш . Берилган тенглама (7.29) кўринишдаги тенглама, бунда $n = 3$. (7.30) тенгликларни эътиборга олиб, янги $P(y)$ функцияни киритамиш ва $P(y)$ функцияни топамиш:

$$\begin{aligned} P^2 \frac{d^2 P}{dy^2} + P \left(\frac{dP}{dy} \right)^2 &\leq \left(\frac{P \frac{dP}{dy}}{P} \right)^2 = 6P^2 y, \\ P^2 \left(\frac{d^2 P}{dy^2} - 6y \right) &= 0, \quad (P \neq 0), \end{aligned}$$

бундан $\frac{d^2 P}{dy^2} = 6y$. Бу I тур тенглама бўлиб, унинг ечими иккى марта интеграллаш ёрдамида топилади:

$$\begin{aligned} \frac{dP}{dy} &= \int 6y dy = 3y^2 + C_1, \quad P = \int (3y^2 + C_1) dy = y^3 + C_1 y + C_2, \\ P &= y' = y^3 + C_1 y + C_2. \end{aligned}$$

$y'(2) = P(0) = 1$, $y''(2) = P(0) \frac{dP(0)}{dy} = 0$ бошланғич шартлардан фойдаланиб, $C_1 = 0$, $C_2 = 1$ ларни топамиш. Энди $y' = y^3 + 1$ тенгламани интеграллаймиз:

$$\begin{aligned} \frac{dy}{dx} &= y^3 + 1, \quad \frac{dy}{y^3+1} = dx, \quad \int \frac{dy}{y^3+1} = \int dx, \\ \frac{1}{\sqrt{3}} \operatorname{arctg} \frac{2y-1}{\sqrt{3}} + \frac{1}{3} \ln \frac{|y+1|}{\sqrt{y^2-y+1}} &= x + C_3. \end{aligned}$$

Энди $y(2) = 0$ шартдан фойдаланамиш: $C_3 = -2 - \frac{\pi}{6\sqrt{3}}$. Демак, изланаётган хусусий ечим:

$$x = \frac{1}{\sqrt{3}} \operatorname{arctg} \frac{2y-1}{\sqrt{3}} + \frac{1}{3} \ln \frac{|y+1|}{\sqrt{y^2-y+1}} + 2 + \frac{\pi}{6\sqrt{3}}.$$

Машқлар

351. Кўйидаги тенгламаларнинг умумий ечимини топинг:

- а) $y''' = x^2 - \sin x$;
- б) $y'' = \frac{y'''}{x}$;
- в) $yy'' = y'^2$;
- г) $x^2 y''' = y''^2$;

д) $xy'' - y' = x^2 e^x$;

е) $xy'' + y' = y'^2$;

352. Қүйидеги тенгламаларнинг берилган бошланғыч шартларни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг:

а) $y'' = \frac{\ln x}{x^2}$, $y(1) = 3$, $y'(1) = 1$;

б) $xy''' - y'' = x^2 + 1$, $y(-1) = 0$, $y'(-1) = 1$;

в) $y'' = e^{2y}$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 1$;

г) $2y'^2 = (y-1)y''$, $y(0) = 0$, $y'(0) = 1$;

д) $y^3 y'' + 1 = 0$, $y(1) = 1$, $y'(1) = 0$;

е) $2y'' = 3y^2$, $y(2) = 1$, $y'(2) = -1$.

353. Тұры чизиқлы ҳаракат қылайттан моддий нүктаның тезланиши вақтга боғлиқ бўлиб, у $a(t) = 6t - 2$ формула ёрдамида ифодаланади. Агар вақтнинг бошланғыч моменти $t = 0$ да тезлик $v = 1$ м/сек, йўл эса $S = 0$ бўлса, нүктанинг ҳаракат қонунини топинг.

354. Йўлнинг горизонтал қисміда $v = 90$ км\соат тезлик билан ҳаракатланётган автомобильга вақтнинг бирор моментида тормоз берилди. Агар ҳаракатта қаршилик автомобиль оғирлигининг 0,3 қисмiga тенг бўлса, тормоз берилгандан кейин ўтган вақтни ва босиб ўтилган йўлни топинг.

6-§. Юқори тартибли чизиқли дифференциал тенгламалар

Умумий ҳол. Ушбу

$$y^{(n)} + a_1(x)y^{(n-1)} + a_2(x)y^{(n-2)} + \dots + a_n(x)y = f(x) \quad (7.32)$$

кўринишдаги (бунда $a_i(x)$ ($i = 1, n$), $f(x)$ — бирор D соҳада берилган функциялар) тенглама n -тартибли чизиқли бир жинсли бўлмаган дифференциал тенглама дейилади. Агар (7.32) нинг ўнг томони D соҳада $f(x) \equiv 0$ бўлса,

$$y^{(n)} + a_1(x)y^{(n-1)} + a_2(x)y^{(n-2)} + \dots + a_n(x)y = 0 \quad (7.33)$$

тенгламага эга бўламиз. (7.33) тенглама n -тартибли чизиқли бир жинсли дифференциал тенглама дейилади.

Агар $a_i(x)$, $f(x)$ функциялар D соҳадаги $(a; b)$ интервалда узлуксиз бўлса, (7.32), (7.33) кўринишдаги исталган тенгламалар учун $y(x_0) = y_0$, $y'(x_0) = y'_0, \dots, y^{(n-1)}(x_0) = y_0^{(n-1)}$, $x_0 \in (a; b)$ бошланғыч шартларни қаноатлантирувчи ягона ечим мавжудлиги ҳақида теорема ўринли бўлади.

(7.32) ва (7.33) тенгламаларнинг умумий ва хусусий ечимларини топиша $y_1(x), y_2(x), \dots, y_n(x)$ функцияларнинг чизиқли боғлиқлиги ва чизиқли эрклилиги муҳим рол ўйнайди.

Агар ҳеч бўлмаганда биттаси нолдан фарқли $\mu_1, \mu_2, \dots, \mu_n$ сонлар мавжуд бўлсанки, бирор $(a; b)$ интервалга тегишли барча x лар учун

$$\sum_{i=1}^n \mu_i y_i(x) \equiv 0 \quad (7.34)$$

тенглик ўринли бўлса, y_1, y_2, \dots, y_n функциялар $(a; b)$ интервалда чизиқли боғлиқ дейилади.

Агар (7.34) тенглик $(a; b)$ интервалга тегишли барча x лар учун фақат $\mu_i = 0$ да бажарилса, $y_i(x)$ функциялар шу интервалда чизиқли эркли дейилади. Ушбу

$$W(y_1, y_2, \dots, y_n) = \begin{vmatrix} y_1 & y_2 & \dots & y_n \\ y'_1 & y'_2 & \dots & y'_n \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ y_1^{(n-1)} & y_2^{(n-1)} & \dots & y_n^{(n-1)} \end{vmatrix} \quad (7.35)$$

дeterminant Вронский determinant (ёки вронскиан) дейилади.

Функцияларнинг чизиқли боғлиқ ва чизиқли эркли бўлиши аломати.

Агар $y_i(x)$ ($i = 1, n$) функциялар системаси (яъни $(a; b)$ интервалда $(n-1)$ -тартибли ҳосиласигача узлуксиз бўлган функциялар) $(a; b)$ интервалда чизиқли боғлиқ бўлса, у ҳолда $(a; b)$ да $W \neq 0$ бўлади.

Агар $W \neq 0$ бўлса, у ҳолда $y_i(x)$ функциялари чизиқли эркли бўлади.

Масалан, $1, x, x^2, \dots, x^{n-1}$ функциялар учун $W \neq 0$, шунинг учун улар чизиқли эркли бўлади.

n та чизиқли эркли $y_1(x), y_2(x), \dots, y_n(x)$ ечимлар тўплами (7.33) тенгламанинг фундаментал ечимлар системаси дейилади. Бунинг ёрдамида (7.33) бир жинсли тенгламанинг умумий ечими аниқланади.

1-төрима. Агар y_1, y_2, \dots, y_n функциялар (7.33) тенгламанинг фундаментал ечимлари системасини ташкил этса, у ҳолда

$$\bar{y} = C_1 y_1 + C_2 y_2 + \dots + C_n y_n = \sum_{i=1}^n C_i y_i(x) \quad (7.36)$$

функция (7.33) тенгламанинг умумий ечими бўлади (бунда C – ихтиёрий ўзгармас сон).

1-мисол. e^x, e^{-x}, e^{2x} функциялар $y''' - 2y'' - y' + 2y = 0$ тенгламанинг фундаментал ечимлар системаси булишини кўрсатинг ва унинг умумий ечимини ёзинг.

Ечиш. $y_1 = e^x, y_2 = e^{-x}, y_3 = e^{2x}$ функцияларни ва уларнинг ҳосилаларини берилган тенгламага қўйиш натижасида, улар тенгламанинг ечими эканлиги аниқланади.

Унинг вронскиани (7.35) қўйидаги кўринишда бўлади:

$$W(e^x, e^{-x}, e^{2x}) = \begin{vmatrix} e^x & e^{-x} & e^{2x} \\ e^x & -e^{-x} & 2e^{2x} \\ e^x & e^{-x} & 4e^{2x} \end{vmatrix} = \\ = e^x \cdot e^{-x} \cdot e^{2x} \begin{vmatrix} 1 & 1 & 1 \\ 1 & -1 & 1 \\ 1 & 1 & 4 \end{vmatrix} = -6e^{2x} \neq 0.$$

Демак, e^x, e^{-x}, e^{2x} лар чизиқли эркли ва берилган тенгламанинг фундаментал ечимлар системасини ташкил этади. Унинг умумий ечими (7.36) формулага асосан

$$y = C_1 e^x + C_2 e^{-x} + C_3 e^{2x}$$

кўринишда бўлади.

2-төрима ((7.32) тенглама умумий ечимининг кўриниши ҳақида). (7.32) чизиқли бир жинсли бўлмаган тенглама умумий ечимининг кўриниши $y = \bar{y} + y^*$ каби бўлиб, бунда \bar{y}

— унга мос (7.33) бир жинсли тенгламанинг ((7.36) кўринишдаги) умумий ечим, $y^* = (7.32)$ тенгламанинг бирорта хусусий ечими.

Бундай тенгламаларни ечишни мисолда кўрсатамиз.

2-мисол. Бирорта хусусий ечими $y^* = x + 1$ функциядан иборат бўлган $y''' - 2y'' - y' + 2y = 2x + 1$ тенгламанинг умумий ечимини ёзинг.

Ечиш. 1-мисолда бир жинсли тенгламанинг \bar{y} умумий ечими аниқланган эди. Шунга кўра берилган тенгламанинг умумий ечими

$$y = \bar{y} + y^* = C_1 e^x C_2 e^{-x} + C_3 e^{2x} + x + 1$$

кўринишдаги функция бўлади.

Агар (7.33) тенгламанинг фундаментал ечимлар системаси маълум бўлса, у ҳолда (7.32) тенгламанинг хусусий ечими y^* ни ихтиёрий ўзгармасларни вариациялаш усули (Лагранж усули) билан топиш мумкин. Бу усулда y^* қўйидаги кўринишда изланади:

$$y^* = C_1(x) y_1(x) + C_2(x) y_2(x) + \dots + C_n(x) y_n(x). \quad (7.37)$$

Бунда $y_i(x)$ (7.33) тенгламанинг фундаментал ечимлар системасини ташкил этади, $C_i(x)$ номаълум функциялар эса қўйидаги системадан аниқланади:

$$\left. \begin{aligned} C_1' y_1 + C_2' y_2 + \dots + C_n' y_n &= 0, \\ C_1' y_1' + C_2' y_2' + \dots + C_n' y_n' &= 0, \\ \dots \\ C_1' y_1^{(n-1)} + C_2' y_2^{(n-1)} + \dots + C_n' y_n^{(n-1)} &= f(x). \end{aligned} \right\} \quad (7.38)$$

Бу система C_i' ларга нисбатан чизиқли алгебраик тенгламалар системасидан иборатидир. Системанинг детерминанти Вронский детерминантидан иборат бўлиб, у нолдан фарқли. Шунинг учун (7.38) система $C_i' = \varphi_i(x)$ ягона ечимга эга бўлади. Охирги тенглик биринчи тартибли дифференциал тенглама бўлгани учун уни интеграллаб $C_i(x) = \int \varphi_i(x) dx$ ни топамиз.

Демак, (7.32) тенгламанинг хусусий ечими

$$y^* = y_1 \int \varphi_1(x) dx + y_2 \int \varphi_2(x) dx + \dots + y_n \int \varphi_n(x) dx \quad (7.39)$$

кўринишда бўлади.

1-изоҳ. (7.39) формула ёрдамида интегралларни топишида n та ўзгармаслар ҳосил бўлади. Уларни нолга тенг деб олиш мумкин.

3 - мисол. Ушбу $y''' - 2y'' - y' + 2y = \frac{e^{2x}}{e^x + 1}$ тенгламанинг умумий счимини топинг.

Ечиш. Бир жинсли тенгламанинг умумий счими 1-мисолдан маълум:

$$\bar{y} = C_1 e^x + C_2 e^{-x} + C_3 e^{2x}.$$

Берилган тенгламанинг хусусий счими y^* ни Лагранж усули билан топамиш. (7.37) формулага асосан:

$$y^* = C_1(x)e^x + C_2(x)e^{-x} + C_3(x)e^{2x}.$$

(7.38) система бу ҳол учун қуйидаги қуринишни олади:

$$\begin{cases} C_1' e^x + C_2' e^{-x} + C_3' e^{2x} = 0, \\ C_1' e^x - C_2' e^{-x} + 2C_3' e^{2x} = 0, \\ C_1' e^x + C_2' e^{-x} + 4C_3' e^{2x} = \frac{e^{2x}}{e^x + 1}. \end{cases}$$

Унинг детерминанти $W = -6e^{2x} \neq 0$. Системани Крамер формуласи ёрдамида сиб, қуйидагиларни топамиш:

$$C_1' = -\frac{1}{2} \cdot \frac{e^x}{e^x + 1}, \quad C_2' = \frac{1}{6} \cdot \frac{e^{3x}}{e^x + 1}, \quad C_3' = \frac{1}{3} \cdot \frac{1}{e^x + 1}.$$

Бу ифодаларни интеграллаймиз:

$$\begin{aligned} C_1 &= -\frac{1}{2} \int \frac{e^x dx}{e^x + 1} = -\frac{1}{2} \int \frac{d(e^x + 1)}{e^x + 1} = -\frac{1}{2} \ln(e^x + 1), \\ C_2 &= \frac{1}{6} \int \frac{e^{3x} dx}{e^x + 1} = \frac{1}{6} \int \frac{e^{2x} d(e^x)}{e^x + 1} = \frac{1}{6} \int \left(e^x - 1 + \frac{1}{e^x + 1} \right) d(e^x) = \\ &= \frac{1}{6} \left(\frac{e^{2x}}{2} - e^x + \ln(e^x + 1) \right), \\ C_3 &= \frac{1}{3} \int \frac{dx}{e^x + 1} = \frac{1}{3} \int \frac{e^x + 1 - e^x}{e^x + 1} dx = \frac{1}{3} \int \left(1 - \frac{e^x}{e^x + 1} \right) dx = \\ &= \frac{1}{3} \left(x - \int \frac{d(e^x + 1)}{e^x + 1} \right) = \frac{1}{3} (x - \ln(e^x + 1)). \end{aligned}$$

Тенгламанинг хусусий счими:

$$\begin{aligned} y^* &= -\frac{1}{2} e^x \ln(e^x + 1) + \frac{1}{6} e^{-x} \left(\frac{1}{2} e^{2x} - e^x + \ln(e^x + 1) \right) + \\ &+ \frac{1}{3} e^{2x} (x - \ln(e^x + 1)) = \frac{1}{12} e^x - \frac{1}{6} + \frac{1}{3} x e^{2x} + \\ &+ \left(\frac{1}{6} e^{-x} - \frac{1}{2} e^x - \frac{1}{3} e^{2x} \right) \ln(e^x + 1). \end{aligned}$$

Берилган тенгламанинг умумий счими:

$$\begin{aligned} y &= \bar{y} + y^* = C_1 x + C_2 e^{-x} + C_3 e^{2x} + \frac{1}{12} (4x e^{2x} + e^x - 2) + \\ &+ \frac{1}{6} (e^{-x} - 3e^x - 2e^{2x}) \ln(e^x + 1). \end{aligned}$$

2-изоҳ. (7.33) тенгламанинг фундаментал ечимлар системасини топиш мумкин бўлмаса, (7.32) тенгламанинг хусусий счими y^* ни ва умумий счимини топиш мумкин эмас. (7.32) тенгламаларни ечишининг бошқа усуллари ҳам мавжуд бўлмаса, фақат хусусий ҳолда, яъни (7.32) тенгламадаги ҳамма $a_i(x)$ коэффициентлар ўзгармас сонлар бўлгандагина фундаментал ечимлар системасини ва (7.32) тенгламанинг умумий счимини топиш усули мавжудлигини эслатиб ўтамиш.

Ўзгармас коэффициентли чизикли дифференциал тенглама. (7.32) ва (7.34) тенгламаларга $a_i(x) = P_i = \text{const}$, $P_i \in R$ ни қўямиз:

$$y^{(n)} + P_1 y^{(n-1)} + P_2 y^{(n-2)} + \dots + P_{n-1} y' + P_n y = f(x), \quad (7.40)$$

$$y^{(n)} + P_1 y^{(n-1)} + P_2 y^{(n-2)} + \dots + P_{n-1} y' + P_n y = 0, \quad (7.41)$$

(7.41) тенгламанинг фундаментал ечимлар системасини фақат алгебраик усулдан фойдаланиб қуйидагича топиш мумкин.

(7.41) тенгламага асосланиб

$$\lambda^n + P_1 \lambda^{n-1} + \dots + P_{n-1} \lambda + P_n = 0 \quad (7.42)$$

алгебраик тенглама тузамиш. (7.42) тенглама (7.41) тенгламанинг характеристик тенгламаси дейилади. У n та илдизга эта бўлиб, улар ичига содда ҳақиқий, каррали илдизлар ва комплекс кўшма содда илдизлар бўлиши мумкин.

Агар (7.42) характеристик тенгламанинг ҳамма λ_i илдизлари содда ва ҳақиқий бўлса, у ҳолда (7.41) тенгламанинг фундаментал ечимлар системаси қўйидагича бўлади:

$$e^{\lambda_1 x}, e^{\lambda_2 x}, \dots, e^{\lambda_n x}. \quad (7.43)$$

(7.42) характеристик тенгламанинг k та каррали λ илдизи ҳақиқий бўлса, у ҳолда унга мос (7.41) тенглама k та чизиқли эркли ечимга эга бўлиб, унинг кўриниши қўйидагича бўлади:

$$y_1 = e^{\lambda x}, \quad y_2 = xe^{\lambda x}, \quad \dots, \quad y_n = x^{k-1}e^{\lambda x}. \quad (7.44)$$

(7.42) характеристик тенгламанинг m та каррали, иккита $\alpha \pm i\beta$ комплекс қўшма илдизлар учун (7.41) тенглама $2m$ та чизиқли эркли ечимга эга бўлиб, унинг кўриниши қўйидагича бўлади:

$$\begin{aligned} \bar{y}_1 &= e^{\alpha x} \cos \beta x, & \bar{y}_2 &= e^{\alpha x} \sin \beta x, \\ \bar{y}_3 &= xe^{\alpha x} \cos \beta x, & \bar{y}_4 &= xe^{\alpha x} \sin \beta x, \\ \bar{y}_5 &= x^2 e^{\alpha x} \cos \beta x, & \bar{y}_6 &= x^2 e^{\alpha x} \sin \beta x, \\ &\vdots && \\ \bar{y}_{2m-1} &= x^{m-1} e^{\alpha x} \cos \beta x, & \bar{y}_{2m} &= x^{m-1} e^{\alpha x} \sin \beta x. \end{aligned} \quad (7.45)$$

Кўрилган умумий мулоҳазалардан кўриниб турибдики, (7.42) характеристик тенглама n та илдизга, мос равишда бир жинсли (7.41) тенглама n та чизиқли эркли ечимга эга ва улар фундаментал ечимлар системасини ташкил этади. Улар ёрдамида ва (7.36) формула асосида (7.41) тенгламанинг умумий ечими топилади.

4-мисол. Ушбу

$$y'' - 16y = 0$$

ўзгармас коэффициентли тўртинчи тартибли чизиқли бир жинсли дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Е ч и ш . Берилган тенглама учун характеристик тенглама тузамиз ва унинг илдизларини топамиз:

$$\begin{aligned} \lambda^4 - 16 &= 0, \quad (\lambda^2 - 4)(\lambda^2 + 4) = 0, \quad \lambda^2 = 4, \quad \lambda_{1,2} = \pm 2, \\ \lambda^2 &= -4, \quad \lambda_{3,4} = \pm i. \end{aligned}$$

Иккита ҳақиқий ва иккита комплекс қўшма ($a = 0, b = 2$) сонлардан иборат тўртта содда илдизлар ҳосил қўлдик. (7.43), (7.45) хусусий ечимлардан фундаментал ечимлар системасини ҳосил қўламиз:

$$\begin{aligned} y_1 &= e^{2x}, & y_2 &= e^{-2x}, & y_3 &= e^{\alpha x} \cos 2x = \cos 2x, \\ y_4 &= e^{\alpha x} \sin 2x = \sin 2x. \end{aligned}$$

(7.36) формулага асосан берилган тенгламанинг умумий ечими

$$\bar{y} = C_1 e^{2x} + C_2 e^{-2x} + C_3 \cos 2x + C_4 \sin 2x$$

кўринишида бўлади.

Агар (7.41) тенгламада $n = 2$ бўлса, у ҳолда ўзгармас коэффициентли иккинчи тартибли чизиқли бир жинсли дифференциал тенглама ҳосил қўламиз:

$$y'' + P_1 y' + P_2 y = 0. \quad (7.46)$$

(7.46) тенгламанинг характеристик тенгламаси

$$\lambda^2 + P_1 \lambda + P_2 = 0 \quad (7.47)$$

ва унинг илдизлари:

- 1) ҳақиқий ва ҳар хил: $\lambda_1 \neq \lambda_2$;
- 2) ҳақиқий ва бир бирига тенг: $\lambda_1 = \lambda_2$;
- 3) комплекс қўшма: $\lambda_{1,2} = \alpha \pm \beta i$ илдизларги эга бўлиши мумкин.

Уларга мос қўйидаги фундаментал ечимлар системаси ва (7.46) тенгламанинг умумий ечими тўғри келади:

- 1) $y_1 = e^{\lambda_1 x}, \quad y_2 = e^{\lambda_2 x}; \quad \bar{y} = C_1 e^{\lambda_1 x} + C_2 e^{\lambda_2 x};$
- 2) $y_1 = e^{\lambda x}, \quad y_2 = xe^{\lambda x}; \quad \bar{y} = C_1 e^{\lambda x} + C_2 xe^{\lambda x} = e^{\lambda x}(C_1 + C_2 x);$
- 3) $y^1 = e^{\alpha x} \cos \beta x, \quad y^2 = e^{\alpha x} \sin \beta x; \quad \bar{y} = e^{\alpha x}(C_1 \cos \beta x + C_2 \sin \beta x).$

5-мисол. Ушбу тенгламаларнинг умумий ечимини топинг:

- a) $y'' - 15y' + 26y = 0;$
- b) $y'' + 6y' + 9y = 0;$
- c) $y'' - 2e^t + 10y = 0.$

Е ч и ш . Ҳар бир ҳол учун характеристик тенглама тузамиз, унинг илдизларини, фундаментал ечимлар системасини ва умумий ечимини топамиз:

$$a) \lambda^2 - 15\lambda + 26 = 0, \lambda_1 = 2, \lambda_2 = 13;$$

$$y_1 = e^{2x}, y_2 = e^{13x};$$

$$\bar{y} = C_1 e^{2x} + C_2 e^{13x};$$

$$b) \lambda^2 + 6\lambda + 9 = 0, \lambda_1 = \lambda_2 = -3;$$

$$y_1 = e^{-3x}, y_2 = xe^{-3x};$$

$$\bar{y} = e^{-3x}(C_1 + C_2 x);$$

$$b) \lambda^2 - 2\lambda + 10 = 0, \lambda_{1,2} = 1 \pm 3i;$$

$$y_1 = e^x \cos 3x, y_2 = e^x \sin 3x;$$

$$\bar{y} = e^x(C_1 \cos 3x + C_2 \sin 3x).$$

Шундай қилиб, ўзгармас коэффицентли чизиқли тенгламани ечиш учун:

1) унинг фундаментал ечимлар системасини топиш;

2) (7.41) бир жинсли тенгламанинг умумий ечимини тузиш;

3) Лагранж усули билан (7.40) тенгламанинг усусий ечимини топиш;

4) $\bar{y} = y + y'$ формула ёрдамида (7.40) тенгламанинг умумий ечимини топиш керак.

(7.40) тенгламанинг ўнг қисми $f(x)$ кўп ҳолларда муҳандислик ишларида қўлланиладиган алоҳида кўринишларга эга бўлади:

$$f(x) = e^{ax}(P_r(x) \cos bx + Q_s(x) \sin bx), \quad (7.48)$$

бунда $P_r(x), Q_s(x)$ — мос ҳолда r ва s даражали кўпҳад;

a, b — бирор ўзгармас сонлар. $f(x)$ функциянинг хусусий ҳоллари қуидагича бўлиши мумкин:

$$f(x) = P_r(x)e^{ax} \quad (b = 0); \quad (7.49)$$

$$f(x) = P_r(x) \cos bx + Q_s(x) \sin bx \quad (a = 0); \quad (7.50)$$

$$f(x) = e^{ax}(A \cos bx + B \sin bx) \quad (A = \text{const}, B = \text{const}); \quad (7.51)$$

$$f(x) = A \cos bx + B \sin bx \quad (a = 0, P_r(x) = A, Q_s(x) = B); \quad (7.52)$$

$$f(x) = P_r(x) \quad (a = 0, b = 0). \quad (7.53)$$

Бу ҳамма ҳоллар учун, шунингдек, умумий ҳол учун ((7.48) формулага қаранг) (7.40) тенгламанинг y' хусусий ечими ўнг қисмининг тузилишига қараб топилиши ишбот қилинган.

$f(x)$ функциянинг умумий ҳоли учун хусусий ечим

$$y' = x^k e^{ax} (\bar{P}_m(x) \cos bx + \bar{Q}_m(x) \sin bx) \quad (7.54)$$

формула билан аниқланади, бунда $\bar{P}_m(x), \bar{Q}_m(x)$ — дараҷаси $m = \max\{r,s\}$ бўлган кўпҳад; k эса (7.42) характеристик тенгламанинг $z = a + bi$ илдизлар сонига мос келувчи сонга тенг. Шундай қилиб, агар $\lambda_i (i = \overline{1, n})$ илдизлар ичida z сони бўлмаса, $k = 0$; агар битта илдиз z сони бўлса, у ҳолда $k = 1$; агар илдизлар ичida икки каррали илдиз z сони бўлса, у ҳолда $k = 2$ ва ҳокозо.

Демак, (7.54) формула ёрдамида фақат $P_m(x)$ ва $Q_m(x)$ кўпҳаднинг коэффициентлари маълум бўлган y' хусусий ечимининг тузилишини бирдан ёзиш мумкин экан.

(7.40) тенгламага y' хусусий ечимни ва унинг ҳосилаларини қўйиб чап ва ўнг қисмидаги ўхаша ҳадлари олдидаги коэффициентларни тенглаб, ноъмалум коэффициентларни ҳисоблаш учун керакли бўлган сондаги чизиқли алгебраик тенгламаларни ҳосил қиласиз.

Демак, y' тузилишини ((7.54) формулага қаранг) билан ҳолда, элементар амаллар ёрдамида (яъни дифференциаллаш ва чизиқли алгебраик тенгламалар системасини ечиш) интеграллаш амалини бажармасдан, (7.40) тенгламанинг хусусий y' ечимини топиш мумкин экан.

6 - мисол. Ушбу $y''' - 3y''' = 9x^2$ тенгламанинг умумий счимини топинг.

Е ч и ш . Тенгламанинг характеристик тенгламасини тузамиз, унинг илдизларини, фундаментал ечимлар системасини ва бир жинсли тенгламага мос \bar{y} умумий ечимни топамиз:

$$\lambda^4 - \lambda^3 = 0, \lambda^2(\lambda^2 - 3) = 0, \lambda_1 = \lambda_2 = 0, \lambda_{3,4} = \pm\sqrt{3};$$

$$y_1 = e^{0x} = 1, y_2 = xe^{0x} = x, y_3 = e^{\sqrt{3}x}, y_4 = e^{-\sqrt{3}x};$$

$$\bar{y} = C_1 + C_2 x + C_3 e^{\sqrt{3}x} + C_4 e^{-\sqrt{3}x}.$$

Берилган тенгламанинг ўнг қисми (7.53) хусусий хол кўринишида, шунинг учун $z = 0$. Характеристик тенгламанинг $\lambda_1 = \lambda_2 = 0$ каррал илдизи $z = 0$ билан бир хил, бундан $k = 2$ эканлиги келиб чиқади. (7.54) формулаага асосан y^* хусусий ечим

$$y^* = x^2(Ax^2 + Bx + C) = Ax^4 + Bx^3 + Cx^2$$

кўринишида бўлади. Ҳисоблашни осонлаштириш учун $y^*, y^{*I}, y^{*II}, y^{*III}, y^{*IV}$ ифодаларни алоҳида сатрларга ёзамиш ва вертикаль чизиқнинг чап томонига тенгламадаги уларнинг олдиғаги мос коэффициентларни ёзамиш. Бу ифодаларни коэффициентларга кўпайтириб қўшамиш ва ўхшаш ҳадларни ихчамлаймиз:

$$\begin{array}{|c|l} \hline 0 & y^* = Ax^4 + Bx^3 + Cx^2, \\ 0 & y^{*I} = 4Ax^3 + 3Bx^2 + 2Cx, \\ -3 & y^{*II} = 12Ax^2 + 6Bx + 2Cx, \\ 0 & y^{*III} = 24A + 6B, \\ 1 & y^{*IV} = 24A, \\ \hline \end{array}$$

$$y^{*IV} - 3y^{*II} = -36Ax^2 - 18Bx - 6C + 24A = 9x^2.$$

Охирги тенгликкниң чап ва ўнг қисмидаги x нинг бир хил даражалари олдиғаги коэффициентларни тенглаб, A, B, C сларни аниқлаш учун қўйидаги алгебраик тенгламалар системасини ҳосил қиласиз:

$$\begin{array}{|c|l} \hline x^2 & -36A = 9, \\ x^1 & -18B = 0, \\ x^0 & -6C + 24A = 0 \\ \hline \end{array}$$

бундан $A = -\frac{1}{4}$, $B = 0$, $C = -1$.

Демак,

$$y^* = x^2 \left(-\frac{1}{4}x^2 - 1 \right).$$

Берилган тенгламанинг умумий ечими

$$y = \bar{y} + y^* = C_1 + C_2x + C_3e^{\sqrt{3}x} + C_4e^{-\sqrt{3}x} - \frac{1}{4}x^4 - x^2$$

функциядан иборат бўлади.

7-мисол. Ушбу $y'' - 7y' + 6y = (x - 2)e^x$ тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. $\lambda^2 - 7\lambda + 6 = 0$ характеристик тенглама илдизлари $\lambda_1 = 1$, $\lambda_2 = 6$ бўлгани учун $y'' - 7y' + 6y = 0$ бир жинсли тенгламанинг умумий ечими

$$\bar{y} = C_1e^x + C_2e^{6x}$$

функциядан иборат бўлади.

Берилган тенгламанинг ўнг қисми (7.49) кўринишида-ги функциядан иборат, бунда $a = 1$; $b = 0$;

$P_1(x) = x - 2$; $z = 1$, z характеристик тенгламанинг илдизи бўлгани учун $k = 1$ ва берилган тенгламанинг хусусий ечими

$$y^* = xe^x(Ax + B) = e^x(Ax^2 + Bx)$$

формула билан аниқланади. Сунгра 6-мисолдаги каби давом этамиш:

$$\begin{array}{|c|l} \hline 6 & y^* = e^x(Ax^2 + Bx), \\ -7 & y^{*I} = e^x(Ax^2 + Bx) + e^x(2Ax + B), \\ 1 & y^{*II} = e^x(Ax^2 + (2A + B)x + B) + e^x(2Ax + 2A + B), \\ \hline \end{array}$$

$$\begin{aligned} y^{*IV} - 7y^{*II} + 6y^* &= \\ &= e^x((6A - 7A + A)x^2 + (6B - 7B - 14A + 2A + B + 2A)x - \\ &- 7B + 2A + 2B) = e^x(x - 2). \end{aligned}$$

Охирги тенгликкниң иккала қисмини $e^x \neq 0$ га бўла-миз ва x нинг чап ва ўнг қисмидаги бир хил даражалари олдиғаги коэффициентларни тенглаймиз:

$$\begin{array}{|c|l} \hline x^2 & 0 = 0, \\ x^1 & -10A = 1, \\ x^0 & 2A - 5B = -2, \\ \hline \end{array}$$

$$\text{бундан } A = -\frac{1}{10}, \quad B = \frac{9}{25};$$

$$y^* = e^x \left(-\frac{1}{10}x^2 + \frac{9}{25}x \right).$$

Берилган тенгламанинг умумий ечими

$$y = \bar{y} + y^* = C_1 e^x + C_2 e^{6x} + e^x \left(-\frac{1}{10} x^2 + \frac{9}{25} x \right)$$

дан иборат бўлади.

Агар (7.40) тенгламада $f(x) = f_1(x) + f_2(x)$ бўлса, у ҳолда ўнг томони мос равишда $f_1(x)$ ва $f_2(x)$ бўлган (7.40) кўринишдаги

$$y^{(n)} + P_1 y^{(n-1)} + \dots + P_n y = f_1(x), \quad (7.55)$$

$$y^{(n)} + P_1 y^{(n-1)} + \dots + P_n y = f_2(x) \quad (7.56)$$

иккита тенгламанинг хусусий ечимлари y_1^* ва y_2^* бўлади.

Ўнг томони $f(x)$ бўлган (7.40) тенгламанинг ечими $y^* = y_1^* + y_2^*$ функция бўлади.

$f_1(x)$ ва $f_2(x)$ функциялар (7.49)–(7.53) кўринишдаги функциялар бўлиши мумкин. У ҳолда (7.48) формула ёрдамида (7.55) ва (7.56) тенгламаларнинг y_1^* ва y_2^* хусусий ечимлари топилади. Бундан ташқари $f_1(x)$ юқорида кўрилган тур функциялари бўлиб, $f_2(x)$ умуман кўрилмаган функция бўлсин. Бу ҳолда (7.40) тенгламанинг y^* хусусий ечимини Лагранж усули билан топиш мумкин ёки (7.55) тенгламанинг ечиш учун (7.48) формуладан фойдаланиб, (7.56) тенгламанинг ечимини Лагранж усулини татбиқ этиб топиш лозим.

8 - мисол. Ушбу

$$y'' + y = x \sin x + \cos 2x \quad (A)$$

тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. $\lambda^2 + 1 = 0$ характеристик тенгламанинг илдизлари $\lambda_1 = i$, $\lambda_2 = -i$, у ҳолда $y'' + y = 0$ бир жинсли тенгламанинг умумий ечими

$$\bar{y} = C_1 \cos x + C_2 \sin x$$

функция билан аниқланади. Берилган тенгламанинг ўнг кисми (7.50) ва (7.52) кўринишдаги иккита функциянинг йиғиндисидан иборат: $f_1(x) = x \sin x$, $f_2(x) = \cos 2x$. Шунинг учун (7.54) формуладан фойдаланиб

$$y'' + y = x \sin x \quad (B)$$

тенгламанинг y_1^* хусусий ечимини ва

$$y'' + y = \cos 2x \quad (C)$$

тенгламанинг y_2^* хусусий ечимини топамиз. (B) тенглама учун $a = 0$, $b = 0$, $z = i = \lambda_{1,2}$ бўлгани учун $k = 1$ ва

$$y_1^* = x((Ax + B) \cos x + (Cx + D) \sin x)$$

кўринишда бўлади. Номаълум A , B , C , D коэффициентларни юқорида кўрилган схема асосида ҳисоблаймиз ва y_1^* ни топамиз:

$$y_1^* = (Ax^2 + Bx) \cos x + (Cx^2 + Dx) \sin x,$$

$$y_1^{'''} = (2Ax + B) \cos x - (Ax^2 + Bx) \sin x + (2Cx + D) \sin x + (Cx^2 + Dx) \cos x = (Cx^2 + 2Ax + Dx + B) \cos x + (-Ax^2 - Bx + 2Cx + D) \sin x,$$

$$y_1^{''''} = (2Cx + 2A + D) \cos x - (Cx^2 + 2Ax + Dx + B) \sin x +$$

$$+ (-2Ax - B + 2C) \sin x + (-Ax^2 - Bx + 2Cx + D) \cos x,$$

$$y_1^{''''} + y_1^* = (Ax^2 + Bx + 2Cx + 2A + D - Ax^2 - Bx + 2Cx + D) \cos x +$$

$$+ (Cx^2 + Dx - Cx^2 - 2Ax - Dx - 2Ax - B + 2C) \sin x = x \sin x.$$

Охири тенгликнинг чап ва ўнг қисмидаги ўхшаш ҳадлар олдидағи коэффициентларни тенглаб, номаълум A , B , C , D ларни топамиз:

$$\begin{cases} x \cos x & 4C = 0, \\ \cos x & 2A + 2D = 0, \\ x \sin x & -4A = 1, \\ \sin x & -2B = 2C = 0, \end{cases}$$

$$\text{бундан } A = -\frac{1}{4}, \quad B = 0, \quad C = 0, \quad D = \frac{1}{4}.$$

Демак,

$$y_1^* = x \left(-\frac{1}{4} x \cos x + \frac{1}{4} \sin x \right) = \frac{1}{4} x (\sin x - x \cos x).$$

(C) тенглама учун $a = 0$, $b = 2$, $z = 2i$ бўлгани учун $k = 0$ ва

$$y_2^* = M \cos 2x + N \sin 2x$$

бўлади. M ва N номаълумларни топамиз:

$$\begin{cases} 1) & y_2 = M \cos 2x + N \sin 2x, \\ 0) & y_2' = -2M \sin 2x + 2N \cos 2x, \\ 1) & y_2'' = -4M \cos 2x - 4N \sin 2x, \\ \hline & y_2'' + y_2' = -3M \cos 2x - 3N \sin 2x = \cos 2x, \end{cases}$$

бундан $-3M = 1$, $-3N = 0$ бўлгани учун

$$y_2 = -\frac{1}{3} \cos 2x.$$

Натижада

$$y^* = y_1^* + y_2^* = \frac{1}{4}x(\sin x + \cos x) - \frac{1}{3}\cos 2x$$

ва берилган (A) тенгламанинг умумий ечими

$$\begin{aligned} y = \bar{y} + y^* &= C_1 \cos x + C_2 \sin x + \\ &+ \frac{1}{4}x(\sin x - x \cos x) - \frac{1}{3}\cos 2x \end{aligned}$$

функциядан иборат бўлади.

9 - мисол. Ушбу $y'' - 2y' + 5y = 3e^x + e^x \operatorname{tg} 2x$ тенгламанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. $y'' - 2y' + 5y = 0$ бир жинсли тенгламанинг умумий ечимини топамиз.

Унга мос $\lambda^2 - 2\lambda + 5 = 0$ характеристик тенгламанинг тузамиз. У $\lambda_1 = 1 + 2i$, $\lambda_2 = 1 - 2i$ илдизларга эга.

Тенгламанинг умумий ечими

$$\bar{y} = e^x(C_1 \cos 2x + C_2 \sin 2x)$$

дан иборат бўлади.

Берилган тенгламанинг ўнг қисми иккита функцияният йигиндисидан иборат. Улардан биринчиси $f_1(x) = 3e^x$ (7.48) кўринишдаги функциядан иборат бўлиб, у учун $P_r(x) = 3$, $a = 1$, $b = 0$, $z = 1 \neq \lambda_{1,2}$, $k = 0$ бўлади. $y'' - 2y + 5y = 3e^x$ тенгламанинг y_1 хусусий ечими $y_1^* = Ae^x$ кўришида бўлади. Ноъмалум A коэффициент куйидаги тенгликдан топилади:

$$(A - 2A + 5A)e^x = 3e^x, A = \frac{3}{4}, y_1^* = \frac{3}{4}e^x.$$

Иккинчи $f_2(x) = e^x \operatorname{tg} 2x$ функция юқорида кўрилган функцияларнинг бирортасига ухшамайди, шунинг учун $y'' - 3y' + 5y = e^x \operatorname{tg} 2x$ тенгламанинг y_2 хусусий ечимини ихтиёрий ўзгармасларни вариациялаш (Лагранж усули) усули ёрдамида қидириши керак.

(7.37) формулага асосан:

$$y_2 = e^x(C_1(x) \cos x + C_2(x) \sin x).$$

Бу ҳолда (7.38) система иккита тенгламадан тузилган бўлади ($y_1 = e^x \cos 2x$, $y_2 = e^x \sin 2x$):

$$C_1' e^x \cos 2x + C_2' e^x \sin 2x = 0,$$

$$C_1' e^x (\cos 2x - 2 \sin 2x) + C_2' e^x (\sin 2x + 2 \cos 2x) = e^x \operatorname{tg} 2x.$$

Бу тенгламалар системасини e^x га қисқартирамиз:

$$C_1' \cos 2x + C_2' \sin 2x = 0,$$

$$C_1' (\cos 2x - 2 \sin 2x) + C_2' (\sin 2x + 2 \cos 2x) = \operatorname{tg} 2x.$$

Охириг системанинг детерминанти (вронскиани)ни ҳисоблаймиз:

$$W = \begin{vmatrix} \cos 2x & \sin 2x \\ \cos 2x - 2 \sin 2x & \sin 2x + 2 \cos 2x \end{vmatrix} = 2.$$

C_1' , C_2' ларни Крамер формуласига кўра топамиз:

$$C_1' = \frac{1}{2} \begin{vmatrix} 0 & \sin 2x \\ \operatorname{tg} 2x & \sin 2x + 2 \cos 2x \end{vmatrix} = -\frac{1}{2} \sin 2x \operatorname{tg} 2x,$$

$$C_2' = \frac{1}{2} \begin{vmatrix} \cos 2x & 0 \\ \cos 2x - 2 \sin 2x & \operatorname{tg} 2x \end{vmatrix} = \frac{1}{2} \sin 2x.$$

Энди ҳосил қилинган тенгликларни интегралаймиз:

$$C_1 = -\frac{1}{2} \int \sin 2x \operatorname{tg} 2x dx = -\frac{1}{2} \int \frac{\sin^2 2x}{\cos 2x} dx = -\frac{1}{2} \int \frac{1 - \cos^2 2x}{\cos 2x} dx =$$

$$= -\frac{1}{2} \int \frac{dx}{\cos 2x} + \frac{1}{2} \int \cos 2x dx = \frac{1}{4} \ln \left| \operatorname{tg} \left(\frac{\pi}{4} - x \right) \right| + \frac{1}{4} \sin 2x,$$

$$C_2 = \frac{1}{2} \int \sin 2x dx = -\frac{1}{4} \cos 2x.$$

Демак,

$$y_2^* = e^x \left(\frac{1}{4} \ln \left| \tg \left(\frac{\pi}{4} - x \right) \right| \cos 2x + \frac{1}{4} \sin 2x \cos 2x - \frac{1}{4} \sin 2x \cos 2x \right) = \frac{1}{4} e^x \ln \left| \tg \left(\frac{\pi}{4} - x \right) \right| \cos 2x .$$

Шундай қилиб, берилган тенгламанинг хусусий ечи-ми қуидаги күрнишда бўлади:

$$y^* = y_1^* + y_2^* = \frac{3}{4} e^x + \frac{1}{4} e^x \ln \left| \tg \left(\frac{\pi}{4} - x \right) \right| \cos 2x = \\ = \frac{1}{4} e^x \left(3 + \ln \left| \tg \left(\frac{\pi}{4} - x \right) \right| \cos 2x \right).$$

Умумий ечим эса қуидаги функциядан иборат бўла-ди:

$$y = \bar{y} + y^* = e^x (C_1 \cos 2x + C_2 \sin 2x) + \\ + \frac{1}{4} e^x \left(3 + \ln \left| \tg \left(\frac{\pi}{4} - x \right) \right| \cos 2x \right).$$

Машқлар

355. Қуидаги чизиқли бир жинсли иккинчи тартибли дифференциал тенгламаларнинг фундаментал ечимлар системасини ва умумий ечимини топинг:

- | | |
|----------------------------|---------------------------|
| a) $y'' + 5y' + 6y = 0$; | b) $y'' - 2y' - 4y = 0$; |
| в) $y'' - 7y' + 6y = 0$; | г) $y'' + 6y' + 9y = 0$; |
| д) $y'' - 6y' + 18y = 0$; | е) $y'' - 25y = 0$; |
| ж) $y'' + 2y' - 15y = 0$; | з) $y'' + 2y' + y = 0$; |
| и) $y'' + 36y = 0$; | к) $y'' - 2y' + 5y = 0$. |

356. Қуидаги чизиқли бир жинсли юқори тартибли дифференциал тенгламаларнинг фундаментал ечимлар системасини ва умумий ечимини топинг:

- | | |
|-----------------------------|-------------------------------------|
| a) $y'' + 9y' = 0$; | б) $y''' + 3y' - y = 0$; |
| в) $4y''' - 3y' + 5y = 0$; | г) $y''' - 5y'' + 16y' - 12y = 0$; |

д) $y'''' - 8y'' + 16y = 0$;

е) $y'''' - 8y'' + 7y = 0$;

ж) $y'' - 6y'''' + 9y''' = 0$;

з) $y'' - 3y'' + 3y'''' = 0$.

357. Қуидаги бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламаларнинг берилган бошланғич шартларни қано-атлантирувчи хусусий ечимларини топинг:

а) $y'' - 3y' + 2y = e^{3x}(x^2 + x)$, $y(0) = 1$, $y'(0) = -2$;

б) $y''' - y' = 2x$, $y(0) = 0$, $y'(0) = y''(0) = 2$;

в) $y'''' - y = 8e^x$, $y(0) = -1$, $y'(0) = 0$, $y''(0) = 1$, $y'''(0) = 0$;

г) $y'' - 2y' + 2y = 4e^x \cos x$, $y(\pi) = \pi e^\pi$, $y'(\pi) = 2\pi$;

д) $y'' + 4y = 4(\sin 2x + \cos 2x)$, $y(\pi) = y'(\pi) = 2\pi$;

е) $y'' - 2y' = 2e^x$, $y(1) = -1$, $y'(1) = 0$;

ж) $y'' + 4y = x$, $y(0) = 1$, $y'(0) = \frac{\pi}{2}$;

з) $y'' - 6y' + 9y = 10 \sin x$, $y(0) = -0,6$, $y'(0) = 0,8$.

358. Қуидаги бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламаларнинг хусусий ечимини топинг:

а) $y'' - 8y' + 16y = e^{4x}(1-x)$;

б) $y'' - 3y' = e^{3x} - 28$;

в) $y'' + 16y = x \sin 4x$;

г) $y''' + y'' = 2x + e^{-x}$;

д) $y'' - 4y' = 2 \cos^2 4x$;

е) $y'' - y = 3xe^x + \sin x$;

ж) $y'' - 7y' = (x-1)^2$;

з) $y'''' + y'' = x^2 + 2x$;

и) $y'' - 4y' + 13y = e^{2x}(x^2 \cos 3x + \sin 3x)$;

к) $y' - y'' = 2xe^x - 4$.

359. Қуидаги бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламанинг умумий ечимини топинг:

а) $y'' + 4y = \cos^2 x$;

б) $y'' + 5y' + 6y = e^{-x} + e^{-2x}$;

в) $4y'' - y = x^3 - 24x$;

г) $y''' + y'' = 6x + e^{-x}$;

$$\begin{aligned}
 \text{д) } & y'' + 4y = \frac{1}{\sin^2 x}; & \text{е) } & y''' + y' = \operatorname{tg} x; \\
 \text{ж) } & y'' + 4y' + 4y = e^{-2x} \ln x; & \text{з) } & y'' + y + \operatorname{ctg}^2 x = 0; \\
 \text{и) } & y'' - 2y' + y = \frac{e^x}{x^2 + 1}; & \text{к) } & y'' - 3y' = 3x^3 + x^2.
 \end{aligned}$$

7-§. Дифференциал тенгламалар системаси қақида түшүнчө

Ушбу

$$\left. \begin{aligned}
 y_1' &= f_1(x, y_1, y_2, \dots, y_n), \\
 y_2' &= f_2(x, y_1, y_2, \dots, y_n), \\
 \dots & \\
 y_n' &= f_n(x, y_1, y_2, \dots, y_n)
 \end{aligned} \right\} \quad (7.57)$$

Күринишдеги система биринчи тартибли n та дифференциал тенгламаларынг нормал шаклдаги системаси ёки нормал система дейилади.

Бунда $f_i (i = 1, n)$ функция бирор ($n + 1$) үлчөвли D соҳада аниқланган, x, y_1, y_2, \dots, y_n — ўзгарувчилар, $y_1(x), y_2(x), \dots, y_n(x)$ лар изланыттан функциялар.

Нормал система тенгламаларыннинг ўнг қисмиде изланыттан функцияларыннинг ҳосилалари бўлмайди.

(7.57) системанинг $(a; b)$ интервалдаги ечими деб $(a; b)$ интервалда узлуксиз дифференциалланувчи ва бу системанинг ҳар бир тенгламасини қаноатлантирадиган $y_1 = y_1(x), y_2 = y_2(x), \dots, y_n = y_n(x)$ ечимлар тўпламига айтилади.

Биринчи тартибли дифференциал тенгламалар системаси учун Коши масаласи қўйидагича ифодаланади.

Ушбу

$$y_1(x_0) = y_{10}, \quad y_2(x_0) = y_{20}, \dots, \quad y_n(x_0) = y_{n0} \quad (7.58)$$

бошланғич шартларни қаноатлантирувчи (7.57) система-нинг $y_1 = y_1(x), y_2 = y_2(x), \dots, y_n = y_n(x)$ ечимларини топиш лозим, бунда $y_{10}, y_{20}, \dots, y_{n0}$ — берилган сонлар; $x_0 \in (a; b)$.

Теорема (Кошининг мавжудлик ва ечимининг ягоналиги масаласи). Агар $f_i (i = 1, n)$ функциялар $(x_0, y_{10}, y_{20}, \dots, y_{n0}) \in D$ нуқта атрофида узлуксиз ҳамда $\frac{df_i}{dx} (i = 1, n)$ узлуксиз хусусий ҳосилаларга эга бўлса, у ҳолда (7.57) системанинг (7.58) бошлигич шартни қаноатлантирувчи ягона ечими мавжуд бўлади.

(7.57) системанинг умумий ечими деб n та ихтиёрий ўзгармас C_1, C_2, \dots, C_n сонларга боғлиқ бўлган n та $y_i = \varphi_i(x, C_1, C_2, \dots, C_n) (i = 1, n)$ функциялар тўпламига айтилади ва у қўйидаги шартларни қаноатлантириши кепрек:

1) x, C_1, C_2, \dots, C_n ўзгарувчиларнинг бирор ўзгариш соҳасида φ_i функциялар аниқланган ва узлуксиз $\frac{d\varphi_i}{dx}$ хусусий ҳосилаларга эга бўлиши керак;

2) C_i , нинг ихтиёрий қийматларида φ_i функциялар тўплами (7.57) системанинг ечими бўлиши керак;

3) D соҳадаги ихтиёрий (7.58) бошланғич шартда Коши теоремасининг шартини қаноатлантирадиган шундай ихтиёрий ўзгармас $C_{10}, C_{20}, \dots, C_{n0}$ қийматларни топиш мумкинки, улар учун $y_{i0} = \varphi_i(x_0, C_{10}, C_{20}, \dots, C_{n0})$ тенглик ўринли бўлади.

(7.57) системанинг умумий ечимидан ихтиёрий ўзгармасларнинг мумкин бўлган баъзи қийматларида ҳосил бўладиган ечимлар хусусий ечимлар дейилади.

Юқорида айтилганларнинг ҳаммаси (7.57) системанинг хусусий ҳоли бўлган

$$\left. \begin{aligned}
 y_1' &= a_{11}(x)y_1 + a_{21}(x)y_2 + \dots + a_{n1}(x)y_n + f_1(x), \\
 y_2' &= a_{12}(x)y_1 + a_{22}(x)y_2 + \dots + a_{n2}(x)y_n + f_2(x), \\
 \dots & \\
 y_n' &= a_{n1}(x)y_1 + a_{n2}(x)y_2 + \dots + a_{nn}(x)y_n + f_n(x)
 \end{aligned} \right\} \quad (7.59)$$

кўринишдаги чизиқли дифференциал тенгламалар система-си учун ҳам ўринли, бунда $a_{ij}(x), f_i(x) (i, j = 1, n)$ функциялар бирор $(a; b)$ интервалда узлуксиз деб олинади. Агар ҳамма $f_i(x) = 0$ бўлса, у ҳолда (7.59) система бир жинсли, аks ҳолда бир жинсли бўлмаган система дейилади. Агар $a_{ij}(x) = \text{const}$ бўлса, у ҳолда (7.59) система ўзгармас коэффициентли система дейилади. Бундай системаларни интеграллаш усуллари мавжуд. Улардан иккитасини кўрамиз.

1 - усул. (7.59) системада $a_{ij}(x) = \text{const}$ бўлсин. Бу системанинг ушбу

$$\begin{vmatrix} a_{11} - \lambda & a_{12} & \dots & a_{1n} \\ a_{21} & a_{22} - \lambda & \dots & a_{2n} \\ \dots & \dots & \dots & \dots \\ a_{n1} & a_{n2} & \dots & a_{nn} - \lambda \end{vmatrix} = 0 \quad (7.60)$$

характеристик тенгламасини тузамиз. (7.60) тенглик λ га нисбатан n -даражали алгебраик тенгламадан иборат бўлиб, у n та илдизга эга бўлади. Куйидаги ҳоллардан бирни бўлиши мумкин.

1. (7.60) характеристик тенгламанинг илдилизлари ҳақиқий ва ҳар хил. Уларни $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_n$ билан белгилаймиз. Маълумки, ҳар бир λ_i ($i = 1, n$) илдиз учун унга мос

$$y_1^{(i)} = \alpha_1^{(i)} e^{\lambda_i x}, \quad y_2^{(i)} = \alpha_2^{(i)} e^{\lambda_i x}, \dots, \quad y_n^{(i)} = \alpha_n^{(i)} e^{\lambda_i x} \quad (7.61)$$

кўринишдаги хусусий ечимларга эга бўлади, бундаги $\alpha_1^{(i)}, \alpha_2^{(i)}, \dots, \alpha_n^{(i)}$ коэффициентлар

$$\begin{cases} (a_{11} - \lambda_i)\alpha_1^{(i)} + a_{12}\alpha_2^{(i)} + \dots + a_{1n}\alpha_n^{(i)} = 0, \\ a_{21}\alpha_1^{(i)} + (a_{22} - \lambda_i)\alpha_2^{(i)} + \dots + a_{2n}\alpha_n^{(i)} = 0, \\ \dots \\ a_{n1}\alpha_1^{(i)} + a_{n2}\alpha_2^{(i)} + \dots + (a_{nn} - \lambda_i)\alpha_n^{(i)} = 0 \end{cases} \quad (7.62)$$

чизиқли алгебраик тенгламалар системасидан аниқланади. Ҳамма (7.61) кўринишдаги хусусий ечимлар фундаментал ечимлар системасини ташкил қиласди.

(7.59) системада $a_{ij}(x) = \text{const}$, $f_j(x) = 0$ бўлган ҳол учун бир жинсли системанинг умумий ечими (7.61) ечимларнинг чизиқли комбинациясидан иборат куйидаги функциялар тўпламидан иборат бўлади:

$$\begin{cases} y_1 = \sum_{i=1}^n C_i y_1^{(i)} = C_1 \alpha_1^{(1)} e^{\lambda_1 x} + C_2 \alpha_2^{(2)} e^{\lambda_2 x} + \dots + C_n \alpha_n^{(n)} e^{\lambda_n x}, \\ y_2 = \sum_{i=1}^n C_i y_2^{(i)} = C_1 \alpha_2^{(1)} e^{\lambda_1 x} + C_2 \alpha_2^{(2)} e^{\lambda_2 x} + \dots + C_n \alpha_n^{(n)} e^{\lambda_n x}, \\ \dots \\ y_n = \sum_{i=1}^n C_i y_n^{(i)} = C_1 \alpha_n^{(1)} e^{\lambda_1 x} + C_2 \alpha_n^{(2)} e^{\lambda_2 x} + \dots + C_n \alpha_n^{(n)} e^{\lambda_n x} \end{cases} \quad (7.63)$$

бунда C_i — ихтиёрий ўзгармас сон.

1-мисол. Ушбу

$$\begin{cases} y_1' = 3y_1 - y_2 + y_3, \\ y_2' = -y_1 + 5y_2 - y_3, \\ y_3' = y_1 - y_2 + 3y_3, \end{cases}$$

бир жинсли системанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган системанинг характеристик тенгламасини тузамиз:

$$\begin{vmatrix} 3 - \lambda & -1 & 1 \\ -1 & 5 - \lambda & -1 \\ 1 & -1 & 3 - \lambda \end{vmatrix} = 0$$

Бу тенглама ҳақиқий ҳар хил илдизларга эга: $\lambda_1 = 2, \lambda_2 = 3, \lambda_3 = 6$. Уларнинг ҳар бирни учун (7.62) кўринишдаги система тузамиз:

$$\begin{cases} \lambda_1 = 2 \text{ учун: } \alpha_1^{(1)} - \alpha_2^{(1)} + \alpha_3^{(1)} = 0, \\ -\alpha_1^{(1)} + 3\alpha_2^{(1)} - \alpha_3^{(1)} = 0, \\ \alpha_1^{(1)} - \alpha_2^{(1)} + \alpha_3^{(1)} = 0. \end{cases}$$

$$\begin{cases} \lambda_2 = 3 \text{ учун: } \alpha_2^{(2)} + \alpha_3^{(2)} = 0, \\ -\alpha_1^{(2)} + 2\alpha_2^{(2)} - \alpha_3^{(2)} = 0, \\ \alpha_1^{(2)} - \alpha_2^{(2)} = 0. \end{cases}$$

$$\begin{cases} \lambda_3 = 6 \text{ учун: } -3\alpha_1^{(3)} - \alpha_2^{(3)} + \alpha_3^{(3)} = 0, \\ -\alpha_1^{(3)} - \alpha_2^{(3)} - \alpha_3^{(3)} = 0, \\ \alpha_1^{(3)} - \alpha_2^{(3)} - 3\alpha_3^{(3)} = 0. \end{cases}$$

Бу системаларнинг детерминантлари нолга тенг бўлгани учун, уларнинг ҳар бирни чексиз кўп ечимларга эга бўлади. Бу ҳол учун ечимлардан $\alpha_1^{(1)} = \alpha_2^{(1)} = \alpha_3^{(1)} = 1$ бўлганини ажратиб оламиз.

У ҳолда юқоридаги системаларнинг куйидаги ечимларига эга бўламиш: агар $\lambda_1 = 2$ бўлса, $\alpha_1^{(1)} = 1, \alpha_2^{(1)} = 0, \alpha_3^{(1)} = -1$; агар $\lambda_2 = 3$ бўлса, $\alpha_1^{(2)} = 1, \alpha_2^{(2)} = 1, \alpha_3^{(2)} = 1$; агар $\lambda_3 = 6$ бўлса, $\alpha_1^{(3)} = 1, \alpha_2^{(3)} = -2, \alpha_3^{(3)} = 1$ бўлади. Бу қийматларни ўрнига

Күйиб қүйидаги фундаментал ечимлар системасига эга бўла-
миз:

$$\begin{aligned} y_1^{(1)} &= e^{2x}, \quad y_2^{(1)} = 0, \quad y_3^{(1)} = -e^{2x}; \\ y_1^{(2)} &= e^{3x}, \quad y_2^{(2)} = e^{3x}, \quad y_3^{(2)} = e^{3x}; \\ y_1^{(3)} &= e^{6x}, \quad y_2^{(3)} = -2^{6x}, \quad y_3^{(3)} = e^{6x}. \end{aligned}$$

Бу ечимларнинг чизиқли комбинацияси ва (7.63) функ-
циялар тўпламига асосан берилган системанинг умумий
ечими қўйидаги кўринишда бўлади:

$$\left. \begin{aligned} y_1 &= C_1 e^{2x} + C_2 e^{3x} + C_3 e^{6x}, \\ y_2 &= C_2 e^{3x} - C_3 e^{6x}, \\ y_3 &= -C_1 e^{2x} + C_2 e^{3x} + C_3 e^{6x}. \end{aligned} \right\}$$

**2. (7.60) характеристик тенгламанинг ил-
дизлари** $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_n$ ҳар хил, аммо улар ора-
сизда комплекс сонлар мавжуд. Маълумки, ха-
рактеристик тенглама комплекс илдизларга эга бўлган
ҳолда $\lambda_{1,2} = a \pm ib$ комплекс илдизлар жуфтига иккита ху-
сусий ечим мос келади:

$$y_j^{(1)} = \alpha_j^{(1)} e^{(a+ib)x}, \quad (7.64)$$

$$y_j^{(2)} = \alpha_j^{(2)} e^{(a-ib)x}, \quad (7.65)$$

бунда $j = \overline{1, n}$; $\alpha_j^{(1)}, \alpha_j^{(2)}$ коэффициентлар $\lambda = a - ib$ учун
(7.62) системадан аниқланади.

Бу ҳолда $e^{ax} \cos bx$ ва $e^{ax} \sin bx$ кўринишдаги функция-
ларга эга бўлган ҳақиқий ечимлар жуфтига эга бўламиш.

2 - мисол. Ушбу

$$\left. \begin{aligned} y_1' &= -7y_1 + y_2, \\ y_2' &= -2y_1 - 5y_2 \end{aligned} \right\}$$

системанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган системанинг характеристик тенг-
ламаси

$$\begin{vmatrix} -7 - \lambda & 1 \\ -2 & -5 - \lambda \end{vmatrix} = \lambda^2 + 12\lambda + 37 = 0$$

кўринишда булиб, у $\lambda_{1,2} = -6 \pm i$ илдизларга эга.

(7.62) формулага асосан

$$\left. \begin{aligned} (-7 - \lambda)\alpha_1 + \alpha_2 &= 0, \\ -2\alpha_1 + (-5 - \lambda)\alpha_2 &= 0 \end{aligned} \right\}$$

системага эга бўламиш. $\lambda_1 = -6 + i$ учун:

$$\left. \begin{aligned} (-7 - \lambda_1)\alpha_1^{(1)} + \alpha_2^{(1)} &= 0, \\ -2\alpha_1^{(1)} + (-5 - \lambda_1)\alpha_2^{(1)} &= 0, \end{aligned} \right\} \Rightarrow \left. \begin{aligned} (-1 - i)\alpha_1^{(1)} + \alpha_2^{(1)} &= 0, \\ -2\alpha_1^{(1)} + (1 - i)\alpha_2^{(1)} &= 0, \end{aligned} \right\} \Rightarrow$$

$$\Rightarrow \left\{ \begin{aligned} \alpha_1^{(1)} &= 1, \\ \alpha_2^{(1)} &= 1 + i. \end{aligned} \right.$$

(7.64) формулага асосан хусусий ечим:

$$y_1^{(1)} = \alpha_1^{(1)} e^{(a+ib)x} = e^{(-6+i)x} = e^{-6x}(\cos x + i \sin x),$$

$$\begin{aligned} y_2^{(1)} &= \alpha_2^{(1)} e^{(a+ib)x} = (1+i)e^{(-6+i)x} = \\ &= e^{-6x}(\cos x - \sin x + i(\cos x + \sin x)). \end{aligned}$$

(Бу ерда Эйлер формуласи $e^{(a+ib)x} = e^{ax}(\cos bx + i \sin bx)$ дан фойдаландик). Бу ечимнинг ҳақиқий ва мавхум қисм-
ларини алоҳида олиб, берилган системанинг фундаментал
ечимлар системасини ташкил этувчи иккита ҳақиқий кўри-
нишдаги ечимига эга бўламиш:

$$y_1^{-1(1)} = e^{-6x}, \quad y_2^{-1(1)} = e^{-6x}(\cos x - \sin x),$$

$$\bar{y}_1^{(1)} = e^{-6x} \sin x, \quad \bar{y}_2^{(1)} = e^{-6x}(\cos x + \sin x).$$

У ҳолда берилган системанинг умумий ечими қўйида-
ги кўринишда бўлади:

$$y_1 = C_1 y_1^{-1(1)} + C_2 \bar{y}_1^{(1)} = e^{-6x}(C_1 \cos x + C_2 \sin x),$$

$$y_2 = C_1 y_2^{-1(1)} + C_2 \bar{y}_2^{(1)} = e^{-6x}(C_1(\cos x - \sin x) + C_2(\cos x + \sin x)).$$

Иккинчи $\lambda_2 = -6 - i$ илдиздан фойдаланмадик, чунки
бу илдиз учун юқоридаги амалларни бажарсан, натижада
охирги ҳосил қилиган системанинг умумий ечимига эга
бўламиш.

Бу усул ихтиёрий чизиқли бир жинсли дифференциал
тенгламалар системаси учун тўғридир.

3. (7.60) характеристик тенгламанинг $\lambda_1, \lambda_2, \dots, \lambda_n$ илдизлари ичидаги карралиси мавжуд. Бу ҳолда қуидагида иш турамиз. (7.60) характеристик тенгламанинг λ илдизлари ичидаги k таси карралы бўлсин. У ҳолда (7.59) ечимлар системасини ($a_{ij}(x) = \text{const}$, $f_i(x) = 0$, $(i, j = 1, n)$ ҳол учун) қуидаги кўринишда излаймиз:

$$\begin{aligned} y_1 &= (\alpha_{10} + \alpha_{11}x + \alpha_{12}x^2 + \dots + \alpha_{1k-1}x^{k-1})e^{\lambda x} \\ y_2 &= (\alpha_{20} + \alpha_{21}x + \alpha_{22}x^2 + \dots + \alpha_{2k-1}x^{k-1})e^{\lambda x} \\ y_n &= (\alpha_{n0} + \alpha_{n1}x + \alpha_{n2}x^2 + \dots + \alpha_{nk-1}x^{k-1})e^{\lambda x} \end{aligned} \quad (7.66)$$

a_{ij} ($i = \overline{1, n}$, $j = \overline{0, k-1}$) сонларни қуидагида аниқланади. (7.66) даги y_j функцияларнинг ва унинг y'_j ҳосилаларини (7.59) системага қўйиб, $e^{\lambda x} \neq 0$ га қисқартирамиз, сўнгра ҳосил қилинган тенгликтин чап ва ўнг қисмидаги x нинг бир хил даражалари олдиаги коэффициентларни тенглаймиз. Бу жараёнларни қуидаги мисолда кўрсатамиз.

3-мисол. Ушбу

$$\left. \begin{aligned} y_1' &= y_2 + y_3, \\ y_2' &= y_1 + y_2 - y_3, \\ y_3' &= y_2 + y_3 \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

системанинг умумий ечимини топинг.

Ечиш. Берилган системанинг характеристик тенгламасини турамиз:

$$\begin{vmatrix} -\lambda & 1 & 1 \\ 1 & 1-\lambda & -1 \\ 0 & 1 & 1-\lambda \end{vmatrix} = -(1-\lambda)^2\lambda = 0. \quad (2)$$

Бундан $\lambda_1 = \lambda_2 = 1$ карралси ва $\lambda_3 = 0$ илдизга эга бўламиз. (7.66) формулага асосан $\lambda_{1,2} = 1$ илдиз учун

$$\begin{aligned} y_1^{(1,2)} &= (\alpha_{10} + \alpha_{11}x)e^x, \\ y_2^{(1,2)} &= (\alpha_{20} + \alpha_{21}x)e^x, \\ y_3^{(1,2)} &= (\alpha_{30} + \alpha_{31}x)e^x \end{aligned} \quad (3)$$

кўринишдаги ечимларга эга бўламиз. a_{ij} ($i = \overline{1, 3}$, $j = \overline{0, 1}$) коэффициентлар берилган системага $y_1, y_2, y_3, y_1', y_2', y_3'$ ларни қўйиш ёрдамида ҳосил бўлган қуидаги системадан аниқланади. $e^x \neq 0$ га қисқартиргандан сўнг

$$\left. \begin{aligned} \alpha_{11} + \alpha_{10} + \alpha_{11}x &= \alpha_{20} + \alpha_{21}x + \alpha_{30} + \alpha_{31}x, \\ \alpha_{21} + \alpha_{20} + \alpha_{21}x &= \alpha_{11}x + \alpha_{10} + \alpha_{20} + \alpha_{21}x - \alpha_{30} - \alpha_{31}x, \\ \alpha_{31} + \alpha_{30} + \alpha_{31}x &= \alpha_{20} + \alpha_{21}x + \alpha_{30} + \alpha_{31}x \end{aligned} \right\}$$

системага эга бўламиз. Бундан чап ва ўнг қисмидаги x нинг бир хил даражалари олдиаги коэффициентларни тенглаб

$$\left. \begin{aligned} \alpha_{11} + \alpha_{10} &= \alpha_{20} + \alpha_{30}, \\ \alpha_{11} &= \alpha_{21} + \alpha_{31}, \\ \alpha_{21} + \alpha_{20} &= \alpha_{10} + \alpha_{20} - \alpha_{30}, \\ \alpha_{21} &= \alpha_{11} + \alpha_{21} - \alpha_{31}, \\ \alpha_{31} &= \alpha_{21} + \alpha_{31}, \\ \alpha_{31} + \alpha_{30} &= \alpha_{20} + \alpha_{30} \end{aligned} \right\}$$

системани ҳосил қиласиз. Бундан $\alpha_{20} = \alpha_{31} = \alpha_{11}$, $\alpha_{30} = \alpha_{10}$, $\alpha_{20} = 0$ ни топамиз. α_{10} ва α_{11} сонларни ихтиёрий параметр деб олишимиз мумкин. $\alpha_{10} = C_1$ ва $\alpha_{11} = C_2$ деб белгиласак, (3) ечимини қуидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$y_1^{(1,2)} = (C_1 + C_2x)e^x, \quad y_2^{(1,2)} = C_1e^x, \quad y_3^{(1,2)} = (C_1 + C_2x)e^x. \quad (4)$$

$\lambda_3 = 0$ илдиз учун (7.61) формулаага асосан

$$y_1^{(3)} = \alpha_1^{(3)}e^{0x} = \alpha_1^{(3)}, \quad y_2^{(3)} = \alpha_2^{(3)}e^{0x} = \alpha_2^{(3)}, \quad y_3^{(3)} = \alpha_3^{(3)}e^{0x} = \alpha_3^{(3)} \quad (5)$$

ечимлар мос келади. $\alpha_1^{(3)}, \alpha_2^{(3)}, \alpha_3^{(3)}$ сонлари (7.62) системадан аниқланади:

$$\left. \begin{aligned} \alpha_2^{(3)} + \alpha_3^{(3)} &= 0, \\ \alpha_1^{(3)} + \alpha_2^{(3)} - \alpha_3^{(3)} &= 0, \\ \alpha_2^{(3)} + \alpha_3^{(3)} &= 0. \end{aligned} \right\}$$

Системанинг ечими: $\alpha_1^{(3)} = 2C_3$, $\alpha_2^{(3)} = -C_3$, $\alpha_3^{(3)} = C_3$.

Демак, $\lambda_3 = 0$ илдиз учун (1) системанинг (5) кўринишдаги ечими қуидаги кўринишда бўлади:

$$y_1^{(3)} = 2C_3, \quad y_2^{(3)} = -C_3, \quad y_3^{(3)} = C_3,$$

бунда C_3 — ихтиёрий ўзгармас сон.

Берилган системанинг умумий ечими

$$\left. \begin{array}{l} y_1 = y_1^{(1,2)} + y_1^{(3)} = (C_1 + C_2x)e^x + 2C_3, \\ y_2 = y_2^{(1,2)} + y_2^{(3)} = C_1e^x - C_3, \\ y_3 = y_3^{(1,2)} + y_3^{(3)} = (C_1 + C_2x)e^x + C_3 \end{array} \right\}$$

кўринишида бўлади.

Агар система бир жинсли бўлмаса, унга мос бир жинсли системанинг (7.63) кўринишлари умумий ечимини билган ҳолда бу ечимдаги C_1, C_2, \dots, C_n ихтиёрий ўзгармасларни вариациялаш усули билан берилган бир жинсли бўлмаган системанинг умумий ечимини топиш мумкин. Бир жинсли бўлмаган системанинг умумий ечимини ҳар доим (7.63) кўринишида ёзиш мумкинлиги исбот қилинган. Бунда (7.63) даги C_1, C_2, \dots, C_n ихтиёрий ўзгармасларни унга мос $C_1(x), C_2(x), \dots, C_n(x)$ (ҳар бирiga мос C_1, C_2, \dots, C_n ихтиёрий ўзгармаслар иштирок этувчи) функциялар билан алмаштириш керак. Бу функцияларни берилган бир жинсли бўлмаган система ёрдамида аниқланади. Унинг учун система $y_1, y_2, \dots, y_n, y_1', y_2', \dots, y_n'$ ларнинг қийматини кўйиб $C_1'(x), C_2'(x), \dots, C_n'(x)$ ларга нисбатан n та чизиқли алгебраик тенгламалар системасига эта бўламиш. Бу системанинг ечими ҳар доим мавжуд ва у қўйидаги кўринишида бўлади:

$$C_1'(x) = \varphi_1(x), \quad C_2'(x) = \varphi_2(x), \dots, \quad C_n'(x) = \varphi_n(x),$$

бунда $\varphi_i(x)$ ($i = \overline{1, n}$) — маълум функциялар. Бу тенгламаларни интеграллаб $C_1(x), C_2(x), \dots, C_n(x)$ функцияларни топамиш:

$$C_i(x) = \int \varphi_i(x) dx + C_i,$$

бунда C_i — ихтиёрий ўзгармас. (7.63) ечимдаги $C_i = \text{const}$ нинг ўрнига $C_i(x)$ аниқланган қийматларни қўйиб бир жинсли бўлмаган тенгламалар системасининг умумий ечими ҳосил қиласиз. Буни қўйидаги мисолда кўрсатамиз.

4-мисол. Ушбу

$$\left. \begin{array}{l} y_1 = 4y_1 - 5y_2 - 4x + 1, \\ y_2 = y_1 - 2y_2 + x \end{array} \right\} \quad (1)$$

системанинг $y_1(0) = 1, y_2(0) = 2$ бошланғич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимини топинг.

Ечиш. Дастрраб бир жинсли бўлган системанинг умумий ечимини топамиш:

$$\left. \begin{array}{l} y_1' = 4y_1 - 5y_2, \\ y_2' = y_1 - 2y_2. \end{array} \right\} \quad (2)$$

(2) нинг характеристик тенгламаси

$$\left| \begin{array}{cc} 4 - \lambda & -5 \\ 1 & -2 - \lambda \end{array} \right| = \lambda^2 - 2\lambda - 3 = 0 \quad \text{бўлиб, у } \lambda_1 = -1, \lambda_2 = 3$$

илдизларга эга. (2) системанинг умумий ечими

$$\left. \begin{array}{l} y_1 = C_1 e^{-x} + 5C_2 e^{3x}, \\ y_2 = C_2 e^{-x} + C_2 e^{3x} \end{array} \right\} \quad (3)$$

куринишида бўлади. (3) ечимдаги C_1 ва C_2 ўзгармасларни $C_1(x)$ ва $C_2(x)$ ноъмалум функциялар деб ҳисоблаймиз. Шунингдек, (3) даги y_1 ва y_2 лар (1) системанинг ечими деб оламиш. (3) нинг ҳосиласини топамиш:

$$\left. \begin{array}{l} y_1' = C_1'(x)e^{-x} - C_1(x)e^{-x} + 5C_2'(x)e^{3x} + 15C_2e^{3x} \\ y_2' = C_2'(x)e^{-x} - C_1(x)e^{-x} + C_2(x)e^{3x} + 3C_2e^{3x}. \end{array} \right.$$

(1) системага y_1, y_2, y_1', y_2' қийматларни қўймиз ва ўхшаш ҳадларни ихчамлангандан сўнг

$$\left. \begin{array}{l} C_1'(x)e^{-x} + 5C_2'(x)e^{3x} = 4x + 1, \\ C_1'(x)e^{-x} + C_2(x)e^{3x} = x \end{array} \right\}$$

системага эга бўламиш. Бу системанинг ечими:

$$C_1(x) = \frac{1}{4}(x-1)e^x, \quad C_2(x) = \frac{1}{4}(3x+1)e^{3x}.$$

Охирги тенгликларни интеграллаб, топамиз:

$$C_1(x) = \frac{1}{4}(x-2)e^x + C_1, \quad C_2(x) = -\frac{1}{12}(3x+1)e^{3x} + C_2.$$

(3) тенгликтеги C_1 ва C_2 ни ўрнига $C_1(x)$ ва $C_2(x)$ ларни қўйиб, берилган бир жинсли бўлмаган системанинг умумий ечимини ҳосил қиласиз:

$$y_1 = C_1 e^{-x} + 5C_2 e^{3x} + \frac{1}{4}(x-2) - \frac{5}{12}(3x+2),$$

$$y_2 = C_1 e^{-x} + C_2 e^{3x} + \frac{1}{4}(x-2) - \frac{1}{12}(3x+2).$$

Бошланғич шартлардан фойдаланиб C_1 ва C_2 ўзгармасларни аниқтаймиз:

$$\left. \begin{array}{l} 1 = C_1 + 5C_2 - \frac{1}{2} - \frac{5}{6}, \\ 2 = C_1 + C_2 - \frac{1}{2} - \frac{1}{6}, \end{array} \right\}$$

$$\text{бундан } C_1 = \frac{11}{4}, \quad C_2 = -\frac{1}{12}.$$

Шундай қилиб қўйидаги хусусий ечимга эга бўламиш:

$$y_1 = \frac{11}{4}e^{-x} - \frac{5}{12}e^{3x} + \frac{1}{4}(x-2) - \frac{5}{12}(3x+2),$$

$$y_2 = \frac{11}{4}e^{-x} - \frac{1}{12}e^{3x} + \frac{1}{4}(x-2) - \frac{1}{12}(3x+2).$$

2 - усул. (7.59) системани интеграллашнинг иккинчи усули (*чиқариши усули*) қўйидагидан иборат. Бирор шартни қаноатлантирган ҳолда y_1 функциядан бошқа ҳамма номаълум функцияларни ҳар доим чиқариш (йўқотиш) мумкин. Натижада $y_1(x)$ учун битта n -тартибли ўзгармас коэффициентли (агар (7.59) системада $a_{ij} = \text{const}$ бўлса) чизикли бир жинсли бўлмаган дифференциал тенглама ҳосил қиласиз. Уни ечиб, сўнгра ечимини дифференциаллаш ёрдамида қолган ҳамма номаълум $y_2(x), y_3(x), \dots, y_n(x)$ функцияларни топамиз. Бу ишлар қўйидагича бажарилади. (7.59) системадаги биринчи тенгламанинг иккала қисмини x бўйича дифференциаллаймиз, сўнгра унга системадаги y_1, y_2, \dots, y_n қийматларини қўямиз:

$$\begin{aligned} y_1''' &= a_{11}y_1' + a_{12}y_2' + \dots + a_{1n}y_n' + f_1'(x) = \\ &= I_2(y_1, y_2, \dots, y_n) + F_2(x), \end{aligned} \quad (7.67)$$

бунда $I_2(y_1, y_2, \dots, y_n)$ — ўзгармас коэффициентли y_1, y_2, \dots, y_n функцияларнинг маълум чизикли комбинацияси, $F_2(x)$ эса $f_1(x), f_2(x), \dots, f_n(x)$ ва $f_1'(x)$ функцияларнинг чизикли комбинациясини билдиради. (7.67) нинг иккала қисмини x бўйича дифференциаллаб

$$y_1'''' = I_3(y_1, y_2, \dots, y_n) + F_3(x)$$

чизикли бир жинсли бўлмаган тенгламага эга бўламиш. Бу жараённи тақорлаб

$$y_1^{(n)} = I_n(y_1, y_2, \dots, y_n) + F_n(x)$$

ни топамиз.

Натижада қўйидаги n та тенгламалар системасига эга бўламиш:

$$\left. \begin{array}{l} y_1' = a_{11}y_1 + a_{12}y_2 + \dots + a_{1n}y_n + f_1(x), \\ y_1'' = I_2(y_1, y_2, \dots, y_n) + F_2(x), \\ \dots \\ y_1^{(n-1)} = I_{n-1}(y_1, y_2, \dots, y_n) + F_{n-1}(x), \\ y_1^{(n)} = I_n(y_1, y_2, \dots, y_n) + F_n(x). \end{array} \right\} \quad (7.68)$$

(7.68) тенгламалар системасидаги дастлабки $n-1$ та тенгламалар y_2, y_3, \dots, y_n функцияларга нисбатан ечиладиган тенгламалардир. Бу функциялар $x, y_1, y_1', y_1'', \dots, y_1^{(n-1)}$ лар орқали қўйидагича ифодаланилади:

$$\begin{aligned} y_2 &= \varphi_2(x, y_1, y_1', y_1'', \dots, y_1^{(n-1)}), \\ y_3 &= \varphi_3(x, y_1, y_1', y_1'', \dots, y_1^{(n-1)}), \\ \dots \\ y_n &= \varphi_n(x, y_1, y_1', y_1'', \dots, y_1^{(n-1)}). \end{aligned} \quad (7.69)$$

(7.68) системанинг охирги тенгламасидаги y_2, y_3, \dots, y_n ларни ўрнига (7.69) системадаги ифодаларни қўйиб, қўйидаги ўзгармас коэффициентли n -тартибли чизикли бир жинсли бўлмаган дифференциал тенгламага эга бўламиш:

$$y_1^{(n)} = F(x, y_1, y_1', \dots, y_1^{(n-1)}).$$

Унинг умумий ечими (5-§ ни кўринг) бизга маълум усул ёрдамида аниқланади:

$$y_1 = \phi_1(x, C_1, C_2, \dots, C_n). \quad (7.70)$$

Охириги ифодани x бўйича $n-1$ марта дифференциаллаб $y_1, y_1', \dots, y_1^{(n-1)}$ ҳосилаларни топамиз. Бу ҳосилаларни (7.69) системага қўйиб ва (7.70) функция билан биргаликда берилган системанинг умумий ечимини ҳосил қиласиз:

$$\begin{aligned} y_1 &= \phi_1(x, C_1, C_2, \dots, C_n), \\ y_2 &= \phi_2(x, C_1, C_2, \dots, C_n), \\ y_3 &= \phi_3(x, C_1, C_2, \dots, C_n), \\ &\dots \\ y_n &= \phi_n(x, C_1, C_2, \dots, C_n). \end{aligned} \quad (7.71)$$

Қўйидаги мисолни кўрамиз.

5-мисол. Ушбу

$$\left. \begin{aligned} y_1' &= 3y_1 - y_2 + y_3 + e^x, \\ y_2' &= y_1 + y_2 + y_3 + x, \\ y_3' &= 4y_1 - y_2 + 4y_3 \end{aligned} \right\} \quad (1)$$

системанинг чиқариш усули билан умумий ечимини ва

$$y_1(0) = 0,34, \quad y_2(0) = -0,16, \quad y_3(0) = 0,27 \quad (2)$$

бошлангич шартни қаноатлантирувчи хусусий ечимни топинг.

Ечиш. (1) системанинг биринчи тенгламасини x бўйича дифференциаллаймиз ва y_1', y_2', y_3' ларнинг ўрнига бу системадаги уларнинг ифодаларини қўйамиз.

Натижада

$$\begin{aligned} y_1'' &= 3y_1' - y_2' + y_3' + e^x = 3(3y_1 - y_2 + y_3 + e^x) - \\ &- (y_1 + y_2 + y_3 - x) + 4y_1 - y_2 + 4y_3 + e^x = \\ &= 12y_1 - 5y_2 + 6y_3 + 4e^x + x \end{aligned}$$

ҳосил бўлади. y_1'' ни x бўйича дифференциаллаймиз ва яна y_1, y_2, y_3 ларнинг ўрнига (1) системадаги ифодаларини қўйамиз:

$$\begin{aligned} y_1''' &= 12y_1' - 5y_2' + 6y_3' + 4e^x + 1 = 12(3y_1 - y_2 + y_3 + e^x) - \\ &- 5(y_1 + y_2 + y_3 - x) + 6(4y_1 - y_2 + 4y_3) + 4e^x + x = \\ &= 55y_1 - 23y_2 + 31y_3 + 16e^x + 6x. \end{aligned}$$

Демак, бу ҳол учун (7.68) система қўйидаги кўринишда бўлади:

$$\left. \begin{aligned} y_1' &= 3y_1 - y_2 + y_3 + e^x, \\ y_1'' &= 12y_1 - 5y_2 + 6y_3 + 4e^x + x, \\ y_1''' &= 55y_1 - 23y_2 + 31y_3 + 16e^x + 6x. \end{aligned} \right\} \quad (3)$$

Биринчи ва иккинчи тенгламалардан y_2 ва y_3 ларни топамиз:

$$\begin{aligned} y_2 &= y_1'' - 6y_1' + 6y_1 + 2e^x - x, \\ y_3 &= y_1'' - 5y_1' + 3y_1 + e^x - x. \end{aligned} \quad (4)$$

y_2 ва y_3 нинг қийматларини (3) системадаги учинчи тенгламага қўйамиз:

$$\begin{aligned} y_1''' &= 55y_1 - 23(y_1'' - 6y_1' + 6y_1 + 2e^x - x) + 31(y_1'' - 5y_1' + \\ &+ 3y_1 + e^x - x) + 16e^x + 6x = 8y_1''' - 17y_1' + 10y_1 + e^x - 2x. \end{aligned}$$

Бундан

$$y_1''' - 8y_1'' + 17y_1' - 10y_1 = e^x - 2x \quad (5)$$

Кўринишдаги учинчи тартибли ўзгармас коэффициентли чизиқли бир жинсли бўлмаган тенгламага эга бўламиш. Бундай тенгламани ечиш усулини (5-§ га қаранг) билализ. Тенгламанинг характеристик тенгламасини тузамиш:

$$\lambda^3 - 8\lambda^2 + 17\lambda - 10 = 0. \quad (6)$$

